

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
ҚАРОРИ**741 «Нукус-фарм» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси», «Зомин-фарм» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси», «Косонсой-фарм» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси», «Сирдарё-фарм» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси», «Бойсун-фарм» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси», «Бўстонлик-фарм» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси», «Паркент-фарм» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси» давлат унитар корхоналарининг уставларини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ««Нукус-фарм», «Зомин-фарм», «Косонсой-фарм», «Сирдарё-фарм», «Бойсун-фарм», «Бўстонлик-фарм» ва «Паркент-фарм» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 3 майдаги ПФ–5032-сон Фармонини ижро этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Бошқарув ходимлари сони 3 нафардан ва 1-иловага мувофиқ намунавий тузилмага эга бўлган «Нукус-фарм» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси», «Зомин-фарм» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси», «Косонсой-фарм» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси», «Сирдарё-фарм» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси», «Бойсун-фарм» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси», «Бўстонлик-фарм» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси», «Паркент-фарм» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси» (кейинги ўринларда дирекциялар деб аталади) давлат унитар корхоналари ташкил этилсин.

Эркин иқтисодий зоналар Маъмурий кенгашига дирекцияларнинг тасдиқланган тузилмасига ва ходимлари сонига инвестициялар ҳажмига ва «Нукус-фарм», «Зомин-фарм», «Косонсой-фарм», «Сирдарё-фарм», «Бойсун-фарм», «Бўстонлик-фарм» ва «Паркент-фарм» эркин иқтисодий зоналари ҳудудида жойлаштирилган инвестиция лойиҳалари сонига боғлиқлик асосида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

2. «Нукус-фарм» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси», «Зомин-фарм» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси», «Косонсой-фарм» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси», «Сирдарё-фарм» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси», «Бойсун-фарм» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси», «Бўстонлик-фарм» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси», «Паркент-фарм» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси» давлат унитар корхоналари уставлари ушбу қарорга 2 — 8-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари Дирекцияларни бепул фойдаланиш ҳуқуқи билан зарур хизмат хоналари билан таъминласинлар.

4. «Ўзфармсаноат» ДАК асосланган ҳисоб-китоблар бўйича 2017-2018 йиллар даврида дирекцияларни сақлаб туриш учун, кейинги йилларда уларнинг

ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтиши шарти билан, зарур маблағлар ажратсин.

5. «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси «Нукус-фарм» ЭИЗ, «Зомин-фарм» ЭИЗ, «Косонсой-фарм» ЭИЗ, «Сирдарё-фарм» ЭИЗ, «Бойсун-фарм» ЭИЗ, «Бўстонлиқ-фарм» ЭИЗ ва «Паркент-фарм» ЭИЗ бош режалари белгиланган тартибда тасдиқланишига қараб уларнинг худудларида логистика марказлари ва божхона постларини ташкил этиш юзасидан таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 25 июль,
542-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 25 июлдаги 542-сон қарорига
1-ИЛОВА

**«Нукус-фарм», «Зомин-фарм», «Косонсой-фарм»,
«Сирдарё-фарм», «Бойсун-фарм», «Бўстонлиқ-фарм» ва
«Паркент-фарм» эркин иқтисодий
зоналари дирекцияларининг
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**



Бошқарув ходимлари сони — 3 нафар.

Изоҳ: Эркин иқтисодий зоналар Маъмурий кенгаши дирекцияларнинг тасдиқланган тузилмасига ва ходимлари сонига инвестициялар ҳажмига «Нукус-фарм», «Зомин-фарм», «Косонсой-фарм», «Сирдарё-фарм», «Бойсун-

фарм», «Бўстонлик-фарм» ва «Паркент-фарм» эркин иқтисодий зоналари ҳудудида жойлаштирилган инвестиция лойиҳалари сонига боғлиқлик асосида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 25 июлдаги 542-сон қарорига
2-ИЛОВА

**««Нукус-фарм» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси»
давлат унитар корхонасининг
УСТАВИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. ««Нукус-фарм» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси» давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда Дирекция деб аталади) оператив бошқарув ҳуқуқи билан унга берилган давлат мулки бўлган мулк базасида давлат унитар корхонаси шаклида ташкил этилган тижорат ташкилоти ҳисобланади, у ўзига бириктирилган мулкка нисбатан, қонунда белгиланган доирада, ўз фаолияти мақсадларига, мулкдор (ёки унинг топшириғи билан — у томонидан масъул этиб тайинланган давлат органи — муассис) топшириқларига ва мол-мулкнинг белгиланган мақсадига мувофиқ эгаллик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқини амалга оширади.

2. Дирекция ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига ва фармойишларига, ушбу Уставга ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилади.

3. Дирекция юридик шахс ҳисобланади, алоҳида мол-мулкка, мустақил балансга, банкларда ҳисоб рақамларига, шу жумладан валюта ҳисоб рақамларига, эмблемага, штамплар ва бланкаларга, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган, ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ҳамда фаолияти учун зарур бўлган бошқа реквизитларга эга бўлади.

4. Дирекциянинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи — ««Nukus-farm» erkin iqtisodiy zona direktsiyasi» davlat unitar korxonasi;

қисқартирилган номи — ««Nukus-farm» EIZ direktsiyasi» DUK;

б) рус тилида:

тўлиқ номи — Государственное унитарное предприятие «Дирекция свободной экономической зоны «Нукус-фарм»»;

қисқартирилган номи — ГУП «Дирекция СЭЗ «Нукус-фарм»»;

в) инглиз тилида:

тўлиқ номи — «Directorate of free economic zone «Nukus-farm»» State Unitary Company;

қисқартирилган номи — «Directorate of FEZ «Nukus-farm»» SUC.

5. Дирекциянинг жойлашган жойи (почта манзили): Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А. Досназаров кўчаси, 96-уй.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Дирекциянинг муассиси (кейинги ўринларда Муассис деб аталади) ҳисобланади.

7. Дирекция ўз номидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни олиши ва амалга ошириши, мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши, низоларни ҳал этишда бошқа органларда вакиллик қилиши мумкин.

8. Дирекция Муассиснинг розилигига кўра тижорат ташкилотларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик шахсларнинг қатнашишига йўл қўйиладиган нотижорат ташкилотларда қатнашчи (акциядор, аъзо) бўлиши мумкин.

9. Дирекция бошқа давлат корхонасининг муассиси бўлиши мумкин эмас.

2-боб. Дирекция фаолиятининг мақсади ва асосий йўналишлари

10. «Нукус-фарм» эркин иқтисодий зонаси (кейинги ўринларда «Нукус-фарм» ЭИЗ деб аталади) фаолиятини, шу жумладан, «Нукус-фарм» ЭИЗни ривожлантириш давлат дастурларининг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини, «Нукус-фарм» ЭИЗ ҳудудида алоҳида ҳуқуқӣ режимга риоя этилишини таъминлаш йўли билан тезкор бошқариш, шунингдек «Нукус-фарм» ЭИЗ ҳудудидаги хўжалик фаолияти қатнашчиларига (кейинги ўринларда «Нукус-фарм» ЭИЗ қатнашчилари» деб аталади) хизматлар кўрсатишдан ҳамда ушбу Уставда назарда тутилган бошқа ишларни бажаришдан (хизматлар кўрсатишдан) фойда олиш Дирекция фаолиятининг асосий мақсади ҳисобланади.

11. Қўйидагилар Дирекция фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади:

«Нукус-фарм» ЭИЗ қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг реестрини юритиш, уларга тегишли гувоҳномалар бериш;

«Нукус-фарм» ЭИЗ ҳудудида «Нукус-фарм» ЭИЗ қатнашчилари ҳисобланмайдиган бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобини юритиш;

белгиланган тартибда танланган инвесторлар билан эркин иқтисодий зоналар Маъмурий кенгаши (кейинги ўринларда Маъмурий кенгаш деб аталади) қарорларига мувофиқ «Нукус-фарм» ЭИЗ ҳудудида инвестиция кириштиш тўғрисида битимлар, «Нукус-фарм» ЭИЗ қатнашчилари билан давлат мулки бўлган фаолият кўрсатмаётган ташкилотларни ва мол-мулкни нулга тенг харид қиймати бўйича сотиш тўғрисида шартномалар тузиш;

белгиланган тартибда танланган инвесторлар томонидан ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларнинг зарур даражада бажарилишини назорат қилиш, кейинчалик унинг натижаларини Маъмурий кенгашга тақдим этиш;

«Нукус-фарм» ЭИЗ ҳудудида фармацевтика маҳсулотлари, дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий ва маҳаллий инвесторларни қидириш ва жалб этиш;

ишлаб чиқилган «Нукус-фарм» ЭИЗ бош режаси ва Маъмурий кенгаш қарорлари билан маъқулланган инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш;

доривор ўсимликларнинг саноат плантациялари ташкил этилишида иштирок этиш, кейинчалик дори воситалари чуқур қайта ишланиши ва ишлаб чиқарилишини ташкил этиш;

«Нукус-фарм» ЭИЗ ҳудудида жойлашган давлат мулки бўлган кўчмас мулк объектларини Дирекцияга берилган ваколатлар доирасида бошқариш;

«Нукус-фарм» ЭИЗ қатнашчиларига инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш, ташкилотларни ишга тушириш ва уларнинг самарали фаолияти учун зарур бўлган инфратузилма (электр энергияси, газ ва сув таъминоти, канализация, кириш йўллари ва бошқалар) билан таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда кўмаклашиш;

«Нукус-фарм» ЭИЗ қатнашчиларига, шу жумладан давлат органларида уларнинг манфаатларини ифодалаш йўли билан хизматлар кўрсатиш;

Маъмурий кенгаш ваколатларига кирувчи масалалар бўйича унинг мажлисларида кўриб чиқиш учун материаллар тайёрлаш;

«Нукус-фарм» ЭИЗ фаолиятини оператив бошқариш бўйича бошқа функцияларни амалга ошириш.

Қонун ҳужжатларида ушбу Уставда назарда тутилган тегишли фаолият турининг лицензияланиши зарурлиги белгиланган тақдирда, Дирекция фаолиятнинг ушбу турини лицензия олмасдан, тегишли лицензияловчи орган билан тузилган лицензия битими асосида амалга оширишга ҳақлидир.

12. Дирекция қонун ҳужжатларида тақиқланмаган фаолиятнинг бошқа турларини амалга ошириши мумкин.

3-боб. Дирекция фаолиятини бошқариш

13. Дирекция Муассисга ва Маъмурий кенгашга ҳисобот беради.

14. Муассис қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Дирекция фаолиятининг мақсади ва йўналишларини белгилаш;

Дирекция Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

Дирекциянинг ортиқча, фойдаланилмаётган ёхуд белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган мулкни олиб қўйиш ва тасарруф этиш;

Дирекцияга берилган мулкдан фойдаланишдан олинган соф фойданинг бир қисмини ёки ҳаммасини олиш;

Дирекция мулки билан амалга оширилган битимларни ҳаққоний эмас деб эътироф этиш тўғрисида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш;

Дирекцияга етказилган зарарларни қоплаш тўғрисида даъво тақдим этиш;

Дирекцияни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансини тасдиқлаш;

меҳнатга оид қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Дирекция раҳбари билан меҳнат шартномасини муддатидан олдин тўхтатиш.

Муассис қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

15. Маъмурий кенгаш Дирекция фаолиятига раҳбарликни ва назоратни, шунингдек «Нукус-фарм» ЭИЗнинг мустақил бюджети ҳамда «Нукус-фарм» ЭИЗни ривожлантириш жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланилиши юзасидан назоратни амалга оширади.

16. Маъмурий кенгаш ваколатига қўйидагилар киради:

«Нукус-фарм» ЭИЗни ривожлантириш бўйича Дирекциянинг стратегик вазифаларини ва фаолияти йўналишларини белгилаш ҳамда «Нукус-фарм»-ЭИЗни ривожлантиришнинг тегишли ўрта муддатли ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқишни ташкил этиш;

«Нукус-фарм» ЭИЗнинг самарали фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган ташкилий-техник тадбирларни тасдиқлаш, шунингдек уларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқиш;

Дирекциянинг молия-хўжалик фаолиятини ҳар чоракда ўрганишни ташкил этиш;

ҳар чоракда Дирекция фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни эшитиш;

Муассис номидан Дирекция директорини ёллаш тўғрисида меҳнат шартномаси (контракт)ни тузиш ва бекор қилиш;

Дирекциянинг бошқарув аппарати тузилмасини маъқуллаш;

Дирекциянинг штатлар рўйхатини ва харажатлари сметасини тасдиқлаш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар.

17. Маъмурий кенгаш ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун Дирекция фаолиятига тааллуқли ҳужжатларни талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга. Олинган ҳужжатлардан Маъмурий кенгаш томонидан фақат хизмат мақсадларида фойдаланилади.

18. Дирекциянинг жорий фаолиятига раҳбарликни Маъмурий кенгаш томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган Директор амалга оширади.

19. Директор ижро этувчи орган ҳисобланади.

20. Директор:

қонун ҳужжатлари талабларини бажаришга, Дирекция ходимларининг меҳнат шароитларини муҳофаза қилиш ва яхшилашга, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги норма ва қоидаларга риоя этилишини таъминлашга йўналтирилган тадбирларни ишлаб чиқади ва жорий этади;

«Нукус-фарм» ЭИЗни ривожлантириш дастурлари амалга оширилишини ташкил қилади;

Дирекциянинг асосий фаолиятини такомиллаштиришга, бошқаришнинг энг янги усулларини жорий этишга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш чора-тадбирларини кўради;

Дирекция номидан ишончномасиз иш кўради, барча ташкилотларда, шу жумладан хорижий ташкилотларда унинг манфаатларини ифодалайди;

ходимларни ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномалари (контрактлар) тузади ҳамда уларни ўзгартиради ва амал қилишини тўхта-тади;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончномалар беради;

кадрларни тайёрлаш ва ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш чора-тадбирларини кўради;

Дирекциянинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

Дирекциянинг ички иш тартибини ва хўжалик фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлайди;

Дирекция томонидан қонун ҳужжатларига риоя қилинишини ташкил этиш ва назорат қилишни таъминлайди;

Дирекцияга юкланган мақсадлар ва вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа функцияларни амалга оширади.

21. Директор Муассис ва Маъмурий кенгаш олдида Дирекция фаолияти тўғрисида белгиланган тартибда ҳисобот беради.

22. Директор ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва вазифаларини бажаришда Дирекция манфаатларини кўзлаган ҳолда ҳаракат қилиши лозим ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар, иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи барча талабларнинг ва уларга тенглаштирилган тўловларнинг қондирилиши, бевосита ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ эҳтиёжларга маблағлар ўтказилмаганлиги, Дирекциянинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан, шу жумладан Дирекцияга берилган давлат мол-мулки йўқотилган тақдирда, етказилган зарар юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

23. Директор «Нукус-фарм» ЭИЗнинг Маъмурий кенгаш томонидан тасдиқланадиган мустақил бюджет маблағларининг тасарруф этувчиси ҳисобланади ҳамда «Нукус-фарм» ЭИЗнинг мустақил бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботни белгиланган тартибда тақдим этади.

24. Директор ўз зиммасига юкланган вазифаларнинг бажарилиши, шунингдек Дирекцияга берилган давлат мулкининг сақланиши ва ундан мақсадли фойдаланилиши юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

4-боб. Дирекциянинг устав фонди

25. Дирекциянинг устав фонди «Нукус-фарм» ЭИЗ фаолиятини оператив бошқаришни амалга ошириш учун Муассис томонидан ўзига берилган маблағлар, мол-мулк ва бошқа активлар йиғиндисидан иборат бўлади.

26. Дирекция устав фондининг миқдори 300 млн сўмни ташкил қилади.

5-боб. Дирекциянинг устав фондини кўпайтириш ва камайтириш тартиби

27. Дирекциянинг устав фондини кўпайтириш ёки камайтириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Муассис қарорига биноан амалга оширилади.

6-боб. Дирекция мулкани тасарруф этиш

28. Муассис томонидан Дирекцияга оператив бошқарув ҳуқуқи билан биркитилган асосий фондлар ва айланма маблағлар Дирекция мол-мулкани ташкил қилади.

29. Дирекциянинг асосий фондлари ва айланма маблағлари бўлинмайди ва улушлар (ҳиссалар, пайлар) бўйича тақсимланиши мумкин эмас.

30. Маъмурий кенгаш Дирекцияга берилган давлат мулкидан белгиланган мақсадда фойдаланилишини ва унинг сақланишини, шунингдек ўзгага берилишини Муассис номидан назорат қилади.

31. Директор Муассис билан келишган ҳолда Дирекция мулкани қуйидаги ҳолатларда тасарруф этиши мумкин:

асосий воситаларни сотиш, уларни ижарага бериш ёки гаровга қўйиш; мол-мулкни бошқа хўжалик жамиятининг (бошқа давлат корхоналари бундан мустасно) устав фондига улуш сифатида киритиш;

бошқа хўжалик жамиятларининг акциялари (улушлари)ни сотиб олиш (бошқа давлат корхоналари бундан мустасно);

давлат корхонаси фаолияти мақсадларига мувофиқ бўлмаган мол-мулкни бошқача тарзда тасарруф этиш.

7-боб. Даромадларни шакллантириш тартиби

32. Дирекция даромади:

хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар;

давлат мулки бўлган ва «Нукус-фарм» ЭИЗ ҳудудида жойлашган бинолар ва иншоотларни ижарага беришдан тушумларнинг бир қисми;

Маъмурий кенгаш томонидан белгиланган миқдорда ЭИЗ қатнашчилари ажратмалари;

Ўзбекистон Республикасининг тегишли йилга Инвестиция дастурида белгиланган мақсадли бюджет маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобига шакллантирилади.

8-боб. Захира фондини ва бошқа фондларни шакллантириш тартиби

33. Дирекция ўз тасарруфида қоладиган соф фойда ҳисобига захира

фондини, шунингдек бошқа фондларни ташкил этиши мумкин, уларнинг микдори ва шакллантириш тартиби Муассис томонидан тасдиқланади.

9-боб. Даромад (фойда)ни тақсимлаш ва зарарларни қоплаш тартиби

34. Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси томонидан белгиланадиган Дирекциянинг соф фойдаси Дирекция тасарруфида қолади ва ундан Муассис қарорига кўра фойдаланилади.

35. Муассис ўз қарори билан ўзга юридик ва жисмоний шахсларга хайрия мақсадлари учун йўналтириладиган пул маблағларининг чекланган суммасини, уларни тасарруф этиш ҳуқуқини Директорга берган ҳолда белгилайди.

36. Дирекциянинг хўжалик фаолияти натижасида кўрилган зарарларини қоплаш ушбу мақсадлар учун ташкил этилган захира фонди маблағлари ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

10-боб. Ҳисоботларни тақдим этиш тартиби

37. Дирекция ҳисобот даври тугагач ваколатли органларга молия ҳисоботини ва рўйхати қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатларни тақдим этади ҳамда ҳужжатларнинг сақланиши ва уларнинг давлат томонидан сақлашга берилиши юзасидан белгиланган тартибда жавоб беради.

38. Дирекциянинг хўжалик субъекти сифатидаги фаолиятини назорат қилиш Маъмурий кенгаш томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

39. Директор ҳар чоракда Дирекция фаолияти натижалари ва тасдиқланган ривожлантириш дастурларининг амалга оширилиши тўғрисида Маъмурий кенгашга ҳисобот беради.

11-боб. Дирекциянинг жавобгарлиги

40. Дирекция ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мулк билан жавоб беради. Муассис Дирекциянинг мулки етарли бўлмаган тақдирда унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавоб беради.

41. Дирекция Муассиснинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

12-боб. Дирекцияни тугатиш ва қайта ташкил этиш

42. Дирекция Муассиснинг қарорига кўра Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ёки суд қарорига биноан тугатилиши ёки қайта ташкил этилиши мумкин.

43. Дирекцияни тугатиш ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳуқуқий ворислик

тартибида бошқа шахсларга ўтмаган ҳолда Дирекция фаолиятининг тўхта-тилишига сабаб бўлади.

Дирекция қайта ташкил этилган тақдирда, ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳуқуқий ворисга ўтади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 25 июлдаги 542-сон қарорига
З-ИЛОВА

**«Зомин-фарм» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси»
давлат унитар корхонасининг
УСТАВИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. «Зомин-фарм» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси» давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда Дирекция деб аталади) оператив бошқарув ҳуқуқи билан унга берилган давлат мулки бўлган мулк базасида давлат унитар корхонаси шаклида ташкил этилган тижорат ташкилоти ҳисобланади, у ўзига бириктирилган мулкка нисбатан, қонунда белгиланган доирада, ўз фаолияти мақсадларига, мулкдор (ёки унинг топшириғи билан — у томонидан масъул этиб тайинланган давлат органи — муассис) топшириқларига ва мол-мулкнинг белгиланган мақсадига мувофиқ эгаллик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқини амалга оширади.

2. Дирекция ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига ва фармойишларига, ушбу Уставга ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилади.

3. Дирекция юридик шахс ҳисобланади, алоҳида мол-мулкка, мустақил балансга, банкларда ҳисоб рақамларига, шу жумладан валюта ҳисоб рақамларига, эмблемага, штамплар ва бланкаларга, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган, ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ҳамда фаолияти учун зарур бўлган бошқа реквизитларга эга бўлади.

4. Дирекциянинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи — ««Zomin-farm» erkin iqtisodiy zona direktsiyasi» davlat unitar korxonasi;

қисқартирилган номи — ««Zomin-farm» EIZ direktsiyasi» DUK;

б) рус тилида:

тўлиқ номи — Государственное унитарное предприятие «Дирекция свободной экономической зоны «Зомин-фарм»»;

қискартирилган номи — ГУП «Дирекция СЭЗ «Зомин-фарм»»;

в) инглиз тилида:

тўлиқ номи — «Directorate of free economic zone «Zaamin-farm»» State Unitary Company;

қискартирилган номи — «Directorate of FEZ «Zaamin-farm»» SUC.

5. Дирекциянинг жойлашган жойи (почта манзили): Жиззах вилояти, Зомин тумани, Зомин шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 32-уй.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Дирекциянинг муассиси (кейинги ўринларда Муассис деб аталади) ҳисобланади.

7. Дирекция ўз номидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни олиши ва амалга ошириши, мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши, низоларни ҳал этишда бошқа органларда вакиллик қилиши мумкин.

8. Дирекция Муассиснинг розилигига кўра тижорат ташкилотларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик шахсларнинг қатнашишига йўл қўйиладиган нотижорат ташкилотларда қатнашчи (акциядор, аъзо) бўлиши мумкин.

9. Дирекция бошқа давлат корхонасининг муассиси бўлиши мумкин эмас.

2-боб. Дирекция фаолиятининг мақсади ва асосий йўналишлари

10. «Зомин-фарм» эркин иқтисодий зонаси (кейинги ўринларда «Зомин-фарм» ЭИЗ деб аталади) фаолиятини, шу жумладан, «Зомин-фарм» ЭИЗни ривожлантириш давлат дастурларининг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини, «Зомин-фарм» ЭИЗ ҳудудида алоҳида ҳуқуқий режимга риоя этилишини таъминлаш йўли билан тезкор бошқариш, шунингдек «Зомин-фарм» ЭИЗ ҳудудидаги хўжалик фаолияти қатнашчиларига (кейинги ўринларда «Зомин-фарм» ЭИЗ қатнашчилари» деб аталади) хизматлар кўрсатишдан ҳамда ушбу Уставда назарда тутилган бошқа ишларни бажаришдан (хизматлар кўрсатишдан) фойда олиш Дирекция фаолиятининг асосий мақсади ҳисобланади.

11. Қуйидагилар Дирекция фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади:

«Зомин-фарм» ЭИЗ қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг реестрини юритиш, уларга тегишли гувоҳномалар бериш;

«Зомин-фарм» ЭИЗ ҳудудида «Зомин-фарм» ЭИЗ қатнашчилари ҳисобланмайдиган бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобини юритиш;

белгиланган тартибда танланган инвесторлар билан эркин иқтисодий зоналар Маъмурий кенгаши (кейинги ўринларда Маъмурий кенгаш деб аталади) қарорларига мувофиқ «Зомин-фарм» ЭИЗ ҳудудида инвестиция киритиш тўғрисида битимлар, «Зомин-фарм» ЭИЗ қатнашчилари билан давлат мулки бўлган фаолият кўрсатмаётган ташкилотларни ва мол-мулкни нулга тенг харид қиймати бўйича сотиш тўғрисида шартномалар тузиш;

белгиланган тартибда танланган инвесторлар томонидан ўз зиммасига

қабул қилган мажбуриятларнинг зарур даражада бажарилишини назорат қилиш, кейинчалик унинг натижаларини Маъмурий кенгашга тақдим этиш;

«Зомин-фарм» ЭИЗ ҳудудда фармацевтика маҳсулотлари, дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий ва маҳаллий инвесторларни қидириш ва жалб этиш;

ишлаб чиқилган «Зомин-фарм» ЭИЗ бош режаси ва Маъмурий кенгаш қарорлари билан маъқулланган инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш;

доривор ўсимликларнинг саноат плантациялари ташкил этилишида иштирок этиш, кейинчалик дори воситалари чуқур қайта ишланиши ва ишлаб чиқарилишини ташкил этиш;

«Зомин-фарм» ЭИЗ ҳудудда жойлашган давлат мулки бўлган кўчмас мулк объектларини Дирекцияга берилган ваколатлар доирасида бошқариш;

«Зомин-фарм» ЭИЗ қатнашчиларига инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш, ташкилотларни ишга тушириш ва уларнинг самарали фаолияти учун зарур бўлган инфратузилма (электр энергияси, газ ва сув таъминоти, канализация, кириш йўллари ва бошқалар) билан таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда кўмаклашиш;

«Зомин-фарм» ЭИЗ қатнашчиларига, шу жумладан давлат органларида уларнинг манфаатларини ифодалаш йўли билан хизматлар кўрсатиш;

Маъмурий кенгаш ваколатларига кирувчи масалалар бўйича унинг мажлисларида кўриб чиқиш учун материаллар тайёрлаш;

«Зомин-фарм» ЭИЗ фаолиятини оператив бошқариш бўйича бошқа функцияларни амалга ошириш.

Қонун ҳужжатларида ушбу Уставда назарда тутилган тегишли фаолият турининг лицензияланиши зарурлиги белгиланган тақдирда, Дирекция фаолиятнинг ушбу турини лицензия олмасдан, тегишли лицензияловчи орган билан тузилган лицензия битими асосида амалга оширишга ҳақлидир.

12. Дирекция қонун ҳужжатларида тақиқланмаган фаолиятнинг бошқа турларини амалга ошириши мумкин.

3-боб. Дирекция фаолиятини бошқариш

13. Дирекция Муассисга ва Маъмурий кенгашга ҳисобот беради.

14. Муассис қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Дирекция фаолиятининг мақсади ва йўналишларини белгилаш;

Дирекция Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

Дирекциянинг ортиқча, фойдаланилмаётган ёхуд белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган мулкни олиб қўйиш ва тасарруф этиш;

Дирекцияга берилган мулкдан фойдаланишдан олинган соф фойданинг бир қисмини ёки ҳаммасини олиш;

Дирекция мулки билан амалга оширилган битимларни ҳаққоний эмас деб эътироф этиш тўғрисида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш;

Дирекцияга етказилган зарарларни қоплаш тўғрисида даъво тақдим этиш;

Дирекцияни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансини тасдиқлаш; меҳнатга оид қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Дирекция раҳбари билан меҳнат шартномасини муддатидан олдин тўхтатиш.

Муассис қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

15. Маъмурий кенгаш Дирекция фаолиятига раҳбарликни ва назоратни, шунингдек «Зомин-фарм» ЭИЗнинг мустақил бюджети ҳамда «Зомин-фарм» ЭИЗни ривожлантириш жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланилиши юзасидан назоратни амалга оширади.

16. Маъмурий кенгаш ваколатига қўйидагилар киради:

«Зомин-фарм» ЭИЗни ривожлантириш бўйича Дирекциянинг стратегик вазибаларини ва фаолияти йўналишларини белгилаш ҳамда «Зомин-фарм»-ЭИЗни ривожлантиришнинг тегишли ўрта муддатли ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқишни ташкил этиш;

«Зомин-фарм» ЭИЗнинг самарали фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган ташкилий-техник тадбирларни тасдиқлаш, шунингдек уларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқиш;

Дирекциянинг молия-хўжалик фаолиятини ҳар чоракда ўрганишни ташкил этиш;

ҳар чоракда Дирекция фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни эшитиш;

Муассис номидан Дирекция директорини ёллаш тўғрисида меҳнат шартномаси (контракт)ни тузиш ва бекор қилиш;

Дирекциянинг бошқарув аппарати тузилмасини маъқуллаш;

Дирекциянинг штатлар рўйхатини ва харажатлари сметасини тасдиқлаш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар.

17. Маъмурий кенгаш ўзига юкланган вазибаларни бажариш учун Дирекция фаолиятига тааллуқли ҳужжатларни талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга. Олинган ҳужжатлардан Маъмурий кенгаш томонидан фақат хизмат мақсадларида фойдаланилади.

18. Дирекциянинг жорий фаолиятига раҳбарликни Маъмурий кенгаш томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод этиладиган Директор амалга оширади.

19. Директор ижро этувчи орган ҳисобланади.

20. Директор:

қонун ҳужжатлари талабларини бажаришга, Дирекция ходимларининг меҳнат шароитларини муҳофаза қилиш ва яхшилашга, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги норма ва қоидаларга риоя этилишини таъминлашга йўналтирилган тадбирларни ишлаб чиқади ва жорий этади;

«Зомин-фарм» ЭИЗни ривожлантириш дастурлари амалга оширилишини ташкил қилади;

Дирекциянинг асосий фаолиятини такомиллаштиришга, бошқаришнинг

энг янги усулларини жорий этишга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш чора-тадбирларини кўради;

Дирекция номидан ишончномасиз иш кўради, барча ташкилотларда, шу жумладан хорижий ташкилотларда унинг манфаатларини ифодалайди;

ходимларни ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномалари (контрактлар) тузади ҳамда уларни ўзгартиради ва амал қилишини тўхтатади;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончномалар беради;

кадрларни тайёрлаш ва ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш чора-тадбирларини кўради;

Дирекциянинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

Дирекциянинг ички иш тартибини ва хўжалик фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлайди;

Дирекция томонидан қонун ҳужжатларига риоя қилинишини ташкил этиш ва назорат қилишни таъминлайди;

Дирекцияга юкланган мақсадлар ва вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа функцияларни амалга оширади.

21. Директор Муассис ва Маъмурий кенгаш олдида Дирекция фаолияти тўғрисида белгиланган тартибда ҳисобот беради.

22. Директор ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва вазифаларини бажаришда Дирекция манфаатларини кўзлаган ҳолда ҳаракат қилиши лозим ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар, иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи барча талабларнинг ва уларга тенглаштирилган тўловларнинг кондирилиши, бевосита ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ эҳтиёжларга маблағлар ўтказилмаганлиги, Дирекциянинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан, шу жумладан Дирекцияга берилган давлат мол-мулки йўқотилган тақдирда, етказилган зарар юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

23. Директор «Зомин-фарм» ЭИЗнинг Маъмурий кенгаш томонидан тасдиқланадиган мустақил бюджет маблағларининг тасарруф этувчиси ҳисобланади ҳамда «Зомин-фарм» ЭИЗнинг мустақил бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботни белгиланган тартибда тақдим этади.

24. Директор ўз зиммасига юкланган вазифаларнинг бажарилиши, шунингдек Дирекцияга берилган давлат мулкининг сақланиши ва ундан мақсадли фойдаланилиши юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

4-боб. Дирекциянинг устав фонди

25. Дирекциянинг устав фонди «Зомин-фарм» ЭИЗ фаолиятини оператив бошқаришни амалга ошириш учун Муассис томонидан ўзига берилган маблағлар, мол-мулк ва бошқа активлар йиғиндисидан иборат бўлади.

26. Дирекция устав фондининг миқдори 300 млн сўмни ташкил қилади.

5-боб. Дирекциянинг устав фондини кўпайтириш ва камайтириш тартиби

27. Дирекциянинг устав фондини кўпайтириш ёки камайтириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Муассис қарорига биноан амалга оширилади.

6-боб. Дирекция мулкни тасарруф этиш

28. Муассис томонидан Дирекцияга оператив бошқарув ҳуқуқи билан биркитилган асосий фондлар ва айланма маблағлар Дирекция мол-мулкни ташкил қилади.

29. Дирекциянинг асосий фондлари ва айланма маблағлари бўлинмайди ва улушлар (ҳиссалар, пайлар) бўйича тақсимланиши мумкин эмас.

30. Маъмурий кенгаш Дирекцияга берилган давлат мулкidan белгиланган мақсадда фойдаланилишини ва унинг сақланишини, шунингдек ўзгага берилишини Муассис номидан назорат қилади.

31. Директор Муассис билан келишган ҳолда Дирекция мулкни қуйидаги ҳолатларда тасарруф этиши мумкин:

асосий воситаларни сотиш, уларни ижарага бериш ёки гаровга қўйиш;

мол-мулкни бошқа хўжалик жамиятининг устав фондига улуш сифатида киритиш;

бошқа хўжалик жамиятларининг (бошқа давлат корхоналари бундан мустасно) акциялари (улушлари)ни сотиб олиш (бошқа давлат корхоналари бундан мустасно);

давлат корхонаси фаолияти мақсадларига мувофиқ бўлмаган мол-мулкни бошқача тарзда тасарруф этиш.

7-боб. Даромадларни шакллантириш тартиби

32. Дирекция даромади:

хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар;

давлат мулки бўлган ва «Зомин-фарм» ЭИЗ ҳудудида жойлашган бинолар ва иншоотларни ижарага беришдан тушумларнинг бир қисми;

Маъмурий кенгаш томонидан белгиланган миқдорда ЭИЗ қатнашчилари ажратмалари;

Ўзбекистон Республикасининг тегишли йилга Инвестиция дастурида белгиланган мақсадли бюджет маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобига шакллантирилади.

8-боб. Захира фондини ва бошқа фондларни шакллантириш тартиби

33. Дирекция ўз тасарруфида қоладиган соф фойда ҳисобига захира фондини, шунингдек бошқа фондларни ташкил этиши мумкин, уларнинг миқдори ва шакллантирилиши тартиби Муассис томонидан тасдиқланади.

9-боб. Даромад (фойда)ни тақсимлаш ва зарарларни қоплаш тартиби

34. Акциядорлик жамиятлари фаолиятини самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси томонидан белгиланадиган Дирекциянинг соф фойдаси Дирекция тасарруфида қолади ва ундан Муассис қарорига кўра фойдаланилади.

35. Муассис ўз қарори билан ўзга юридик ва жисмоний шахсларга хайрия мақсадлари учун йўналтириладиган пул маблағларининг чекланган суммасини, уларни тасарруф этиш ҳуқуқини Директорга берган ҳолда белгилайди.

36. Дирекциянинг хўжалик фаолияти натижасида кўрилган зарарларини қоплаш ушбу мақсадлар учун ташкил этилган захира фонди маблағлари ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

10-боб. Ҳисоботларни тақдим этиш тартиби

37. Дирекция ҳисобот даври тугагач ваколатли органларга молия ҳисоботини ва рўйхати қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатларни тақдим этади ҳамда ҳужжатларнинг сақланиши ва уларнинг давлат томонидан сақлашга берилиши юзасидан белгиланган тартибда жавоб беради.

38. Дирекциянинг хўжалик субъекти сифатидаги фаолиятини назорат қилиш Маъмурий кенгаш томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

39. Директор ҳар чоракда Дирекция фаолияти натижалари ва тасдиқланган ривожлантириш дастурларининг амалга оширилиши тўғрисида Маъмурий кенгашга ҳисобот беради.

11-боб. Дирекциянинг жавобгарлиги

40. Дирекция ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мулк билан жавоб беради. Муассис Дирекциянинг мулки етарли бўлмаган тақдирда унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавоб беради.

41. Дирекция Муассиснинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

12-боб. Дирекцияни тугатиш ва қайта ташкил этиш

42. Дирекция Муассиснинг қарорига кўра Ўзбекистон Республикаси

қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ёки суд қарорига биноан тугатилиши ёки қайта ташкил этилиши мумкин.

43. Дирекцияни тугатиш ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтмаган ҳолда Дирекция фаолиятининг тўхта-тилишига сабаб бўлади.

Дирекция қайта ташкил этилган тақдирда, ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳуқуқий ворисга ўтади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 25 июлдаги 542-сон қарорига
4-ИЛОВА

**«Косонсой-фарм» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси»
давлат унитар корхонасининг
УСТАВИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. «Косонсой-фарм» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси» давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда Дирекция деб аталади) оператив бошқарув ҳуқуқи билан унга берилган давлат мулки бўлган мулк базасида давлат унитар корхонаси шаклида ташкил этилган тижорат ташкилоти ҳисобланади, у ўзига бириктирилган мулкка нисбатан, қонунда белгиланган доирада, ўз фаолияти мақсадларига, мулкдор (ёки унинг топшириғи билан — у томонидан масъул этиб тайинланган давлат органи — муассис) топшириқларига ва мол-мулкнинг белгиланган мақсадига мувофиқ эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқини амалга оширади.

2. Дирекция ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига ва фармойишларига, ушбу Уставга ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилади.

3. Дирекция юридик шахс ҳисобланади, алоҳида мол-мулкка, мустақил балансга, банкларда ҳисоб рақамларига, шу жумладан валюта ҳисоб рақамларига, эмблемага, штамплар ва бланкаларга, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган, ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бошқа реквизитларга эга бўлади.

4. Дирекциянинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи — ««Kosonsoy-farm» erkin iqtisodiy zona Direktsiyasi» Davlat unitar korxonasi;

қисқартирилган номи — ««Kosonsoy-farm» EIZ Direktsiyasi» DUK;

б) рус тилида:

тўлиқ номи — Государственное унитарное предприятие «Дирекция свободной экономической зоны «Косонсой-фарм»»;

қисқартирилган номи — ГУП «Дирекция СЭЗ «Косонсой-фарм»»;

в) инглиз тилида:

тўлиқ номи — «Directorate of free economic zone «Kasansay-farm»» State Unitary Company;

қисқартирилган номи — «Directorate of FEZ «Kasansay-farm»» SUC.

5. Дирекциянинг жойлашган жойи (почта манзили): Наманган вилояти, Косонсой тумани, А.Рахимов кўчаси, 57-уй.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Дирекциянинг муассиси (кейинги ўринларда Муассис деб аталади) ҳисобланади.

7. Дирекция ўз номидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни олиши ва амалга ошириши, мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши, низоларни ҳал этишда бошқа органларда вакиллик қилиши мумкин.

8. Дирекция Муассиснинг розилигига кўра тижорат ташкилотларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик шахсларнинг қатнашишига йўл қўйиладиган нотижорат ташкилотларда қатнашчи (акциядор, аъзо) бўлиши мумкин.

9. Дирекция бошқа давлат корхонасининг муассиси бўлиши мумкин эмас.

2-боб. Дирекция фаолиятининг мақсади ва асосий йўналишлари

10. «Косонсой-фарм» эркин иқтисодий зонаси (кейинги ўринларда «Косонсой-фарм» ЭИЗ деб аталади) фаолиятини, шу жумладан, «Косонсой-фарм» ЭИЗни ривожлантириш давлат дастурларининг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини, «Косонсой-фарм» ЭИЗ ҳудудида алоҳида ҳуқуқий режимга риоя этилишини таъминлаш йўли билан тезкор бошқариш, шунингдек «Косонсой-фарм» ЭИЗ ҳудудидаги хўжалик фаолияти қатнашчиларига (кейинги ўринларда «Косонсой-фарм» ЭИЗ қатнашчилари» деб аталади) хизматлар кўрсатишдан ҳамда ушбу Уставда назарда тутилган бошқа ишларни бажаришдан (хизматлар кўрсатишдан) фойда олиш Дирекция фаолиятининг асосий мақсади ҳисобланади.

11. Қуйидагилар Дирекция фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади:

«Косонсой-фарм» ЭИЗ қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг реестрини юритиш, уларга тегишли гувоҳномалар бериш;

«Косонсой-фарм» ЭИЗ ҳудудида «Косонсой-фарм» ЭИЗ қатнашчилари ҳисобланмайдиган бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобини юритиш;

белгиланган тартибда танланган инвесторлар билан эркин иқтисодий зоналар Маъмурий кенгаши (кейинги ўринларда Маъмурий кенгаш деб аталади) қарорларига мувофиқ «Косонсой-фарм» ЭИЗ ҳудудида инвестиция киритиш тўғрисида битимлар, «Косонсой-фарм» ЭИЗ қатнашчилари билан

давлат мулки бўлган фаолият кўрсатмаётган ташкилотларни ва мол-мулкни нулга тенг харид қиймати бўйича сотиш тўғрисида шартномалар тузиш;

белгиланган тартибда танланган инвесторлар томонидан ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларнинг зарур даражада бажарилишини назорат қилиш, кейинчалик унинг натижаларини Маъмурий кенгашга тақдим этиш;

«Косонсой-фарм» ЭИЗ ҳудудида фармацевтика маҳсулотлари, дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий ва маҳаллий инвесторларни қидириш ва жалб этиш;

ишлаб чиқилган «Косонсой-фарм» ЭИЗ бош режаси ва Маъмурий кенгаш қарорлари билан маъқулланган инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш;

«Косонсой-фарм» ЭИЗ ҳудудида жойлашган давлат мулки бўлган кўчмас мулк объектларини Дирекцияга берилган ваколатлар доирасида бошқариш;

доривор ўсимликларнинг саноат плантациялари ташкил этилишида иштирок этиш, кейинчалик дори воситалари чуқур қайта ишланиши ва ишлаб чиқарилишини ташкил этиш;

«Косонсой-фарм» ЭИЗ қатнашчиларига инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш, ташкилотларни ишга тушириш ва уларнинг фаолияти учун зарур бўлган инфратузилма (электр энергияси, газ ва сув таъминоти, канализация, кириш йўллари ва бошқалар) билан таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда кўмаклашиш;

«Косонсой-фарм» ЭИЗ қатнашчиларига, шу жумладан давлат органларида уларнинг манфаатларини ифодалаш йўли билан хизматлар кўрсатиш;

Маъмурий кенгаш ваколатларига кирувчи масалалар бўйича унинг мажлисларида кўриб чиқиш учун материаллар тайёрлаш;

«Косонсой-фарм» ЭИЗ фаолиятини оператив бошқариш бўйича бошқа функцияларни амалга ошириш.

Қонун ҳужжатларида ушбу Уставда назарда тутилган тегишли фаолият турининг лицензияланиши зарурлиги белгиланган тақдирда, Дирекция фаолиятнинг ушбу турини лицензия олмасдан, тегишли лицензияловчи орган билан тузилган лицензия битими асосида амалга оширишга ҳақлидир.

12. Дирекция қонун ҳужжатларида тақиқланмаган фаолиятнинг бошқа турларини амалга ошириши мумкин.

3-боб. Дирекция фаолиятини бошқариш

13. Дирекция Муассисга ва Маъмурий кенгашга ҳисобот беради.

14. Муассис қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Дирекция фаолиятининг мақсади ва йўналишларини белгилаш;

Дирекция Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

Дирекциянинг ортиқча, фойдаланилмаётган ёхуд белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган мулкни олиб қўйиш ва тасарруф этиш;

Дирекцияга берилган мулкдан фойдаланишдан олинган соф фойданинг бир қисмини ёки ҳаммасини олиш;

Дирекция мулки билан амалга оширилган битимларни ҳаққоний эмас деб эътироф этиш тўғрисида судга даъво аризаси билан муурожаат қилиш;

Дирекцияга етказилган зарарларни қоплаш тўғрисида даъво тақдим этиш;

Дирекцияни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансини тасдиқлаш; меҳнатга оид қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Дирекция раҳбари билан меҳнат шартномасини муддатидан олдин тўхтатиш.

Муассис қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

15. Маъмурий кенгаш Дирекция фаолиятига раҳбарликни ва назоратни, шунингдек «Косонсой-фарм» ЭИЗнинг мустақил бюджети ҳамда «Косонсой-фарм» ЭИЗни ривожлантириш жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланилиши юзасидан назоратни амалга оширади.

16. Маъмурий кенгаш ваколатига қўйидагилар киради:

«Косонсой-фарм» ЭИЗни ривожлантириш бўйича Дирекциянинг стратегик вазифаларини ва фаолияти йўналишларини белгилаш ҳамда «Косонсой-фарм» ЭИЗни ривожлантиришнинг тегишли ўрта муддатли ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқишни ташкил этиш;

«Косонсой-фарм» ЭИЗнинг самарали фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган ташкилий-техник тадбирларни тасдиқлаш, шунингдек уларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқиш;

Дирекциянинг молия-хўжалик фаолиятини ҳар чоракда ўрганишни ташкил этиш;

ҳар чоракда Дирекция фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни эшитиш;

Муассис номидан Дирекция директорини ёллаш тўғрисида меҳнат шартномаси (контракт)ни тузиш ва бекор қилиш;

Дирекциянинг бошқарув аппарати тузилмасини маъқуллаш;

Дирекциянинг штатлар рўйхатини ва харажатлари сметасини тасдиқлаш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар.

17. Маъмурий кенгаш ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун Дирекция фаолиятига тааллуқли ҳужжатларни талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга. Олинган ҳужжатлардан Маъмурий кенгаш томонидан фақат хизмат мақсадларида фойдаланилади.

18. Дирекциянинг жорий фаолиятига раҳбарликни Маъмурий кенгаш томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган Директор амалга оширади.

19. Директор ижро этувчи орган ҳисобланади.

20. Директор:

қонун ҳужжатлари талабларини бажаришга, Дирекция ходимларининг меҳнат шароитларини муҳофаза қилиш ва яхшилашга, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги норма

ва қоидаларга риоя этилишини таъминлашга йўналтирилган тадбирларни ишлаб чиқади ва жорий этади;

«Косонсой-фарм» ЭИЗни ривожлантириш дастурлари амалга оширилишини ташкил қилади;

Дирекциянинг асосий фаолиятини такомиллаштиришга, бошқаришнинг энг янги усулларини жорий этишга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш чора-тадбирларини кўради;

Дирекция номидан ишончномасиз иш кўради, барча ташкилотларда, шу жумладан хорижий ташкилотларда унинг манфаатларини ифодалайди;

ходимларни ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномалари (контрактлар) тузади ҳамда уларни ўзгартиради ва амал қилишини тўхта-тади;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончномалар беради;

кадрларни тайёрлаш ва ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш чора-тадбирларини кўради;

Дирекциянинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

Дирекциянинг ички иш тартибини ва хўжалик фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлайди;

Дирекция томонидан қонун ҳужжатларига риоя қилинишини ташкил этиш ва назорат қилишни таъминлайди;

Дирекцияга юкланган мақсадлар ва вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа функцияларни амалга оширади.

21. Директор Муассис ва Маъмурий кенгаш олдида Дирекция фаолияти тўғрисида белгиланган тартибда ҳисобот беради.

22. Директор ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва вазифаларини бажаришда Дирекция манфаатларини кўзлаган ҳолда ҳаракат қилиши лозим ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар, иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи барча талабларнинг ва уларга тенглаштирилган тўловларнинг қондирилиши, бевосита ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ эҳтиёжларга маблағлар ўтказилмаганлиги, Дирекциянинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан, шу жумладан Дирекцияга берилган давлат мол-мулки йўқотилган тақдирда, етказилган зарар юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

23. Директор «Косонсой-фарм» ЭИЗнинг Маъмурий кенгаш томонидан тасдиқланадиган мустақил бюджет маблағларининг тасарруф этувчиси ҳисобланади ҳамда «Косонсой-фарм» ЭИЗнинг мустақил бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботни белгиланган тартибда тақдим этади.

24. Директор ўз зиммасига юкланган вазифаларнинг бажарилиши, шунингдек Дирекцияга берилган давлат мулкининг сақланиши ва ундан мақсадли фойдаланилиши юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

4-боб. Дирекциянинг устав фонди

25. Дирекциянинг устав фонди «Косонсой-фарм» ЭИЗ фаолиятини оператив бошқаришни амалга ошириш учун Муассис томонидан ўзига берилган маблағлар, мол-мулк ва бошқа активлар йиғиндисидан иборат бўлади.

26. Дирекция устав фондининг миқдори 300 млн сўмни ташкил қилади.

5-боб. Дирекциянинг устав фонддини кўпайтириш ва камайтириш тартиби

27. Дирекциянинг устав фонддини кўпайтириш ёки камайтириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Муассис қарорига биноан амалга оширилади.

6-боб. Дирекция мулкини тасарруф этиш

28. Муассис томонидан Дирекцияга оператив бошқарув ҳуқуқи билан биркитилган асосий фондлар ва айланма маблағлар Дирекция мол-мулкини ташкил қилади.

29. Дирекциянинг асосий фондлари ва айланма маблағлари бўлинмайди ва улушлар (хиссалар, пайлар) бўйича тақсимланиши мумкин эмас.

30. Маъмурий кенгаш Дирекцияга берилган давлат мулкидан белгиланган мақсадда фойдаланилишини ва унинг сақланишини, шунингдек ўзгага берилишини Муассис номидан назорат қилади.

31. Директор Муассис билан келишган ҳолда Дирекция мулкини қуйидаги ҳолатларда тасарруф этиши мумкин:

асосий воситаларни сотиш, уларни ижарага бериш ёки гаровга қўйиш; мол-мулкни бошқа хўжалик жамиятининг (бошқа давлат корхоналари бундан мустасно) устав фондига улуш сифатида киритиш;

бошқа хўжалик жамиятларининг акциялари (улушлари)ни сотиб олиш (бошқа давлат корхоналари бундан мустасно);

давлат корхонаси мақсадларига мувофиқ бўлмаган мол-мулкни бошқача тарзда тасарруф этиш.

7-боб. Даромадларни шакллантириш тартиби

32. Дирекция даромади:

хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар; давлат мулки бўлган ва «Косонсой-фарм» ЭИЗ ҳудудида жойлашган бинолар ва иншоотларни ижарага беришдан тушумларнинг бир қисми;

Маъмурий кенгаш томонидан белгиланган миқдорда ЭИЗ қатнашчилари ажратмалари;

Ўзбекистон Республикасининг тегишли йилга Инвестиция дастурида белгиланган мақсадли бюджет маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобига шакллантирилади.

8-боб. Захира фондини ва бошқа фондларни шакллантириш тартиби

33. Дирекция ўз тасарруфида қоладиган соф фойда ҳисобига захира фондини, шунингдек бошқа фондларни ташкил этиши мумкин, уларнинг миқдори ва шакллантирилиши тартиби Муассис томонидан тасдиқланади.

9-боб. Даромад (фойда)ни тақсимлаш ва зарарларни қоплаш тартиби

34. Акциядорлик жамиятлари фаолиятини самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси томонидан белгиланадиган Дирекциянинг соф фойдаси Дирекция тасарруфида қолади ва ундан Муассис қарорига кўра фойдаланилади.

35. Муассис ўз қарори билан ўзга юридик ва жисмоний шахсларга хайрия мақсадлари учун йўналтириладиган пул маблағларининг чекланган суммасини, уларни тасарруф этиш ҳуқуқини Директорга берган ҳолда белгилайди.

36. Дирекциянинг хўжалик фаолияти натижасида кўрилган зарарларини қоплаш ушбу мақсадлар учун ташкил этилган захира фонди маблағлари ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

10-боб. Ҳисоботларни тақдим этиш тартиби

37. Дирекция ҳисобот даври тугагач ваколатли органларга молия ҳисоботини ва рўйхати қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатларни тақдим этади ҳамда ҳужжатларнинг сақланиши ва уларнинг давлат томонидан сақлашга берилиши юзасидан белгиланган тартибда жавоб беради.

38. Дирекциянинг хўжалик субъекти сифатидаги фаолиятини назорат қилиш Маъмурий кенгаш томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

39. Директор ҳар чоракда Дирекция фаолияти натижалари ва тасдиқланган ривожлантириш дастурларининг амалга оширилиши тўғрисида Маъмурий кенгашга ҳисобот беради.

11-боб. Дирекциянинг жавобгарлиги

40. Дирекция ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мулк билан жавоб беради. Муассис Дирекциянинг мулки етарли бўлмаган тақдирда унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавоб беради.

41. Дирекция Муассиснинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

12-боб. Дирекцияни тугатиш ва қайта ташкил этиш

42. Дирекция Муассиснинг қарорига кўра Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ёки суд қарорига биноан тугатилиши ёки қайта ташкил этилиши мумкин.

43. Дирекцияни тугатиш ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтмаган ҳолда Дирекция фаолиятининг тўхтатилишига сабаб бўлади.

Дирекция қайта ташкил этилган тақдирда, ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳуқуқий ворисга ўтади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 25 июлдаги 542-сон қарорига
5-ИЛОВА

**«Сирдарё-фарм» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси»
давлат унитар корхонасининг
УСТАВИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. «Сирдарё-фарм» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси» давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда Дирекция деб аталади) оператив бошқарув ҳуқуқи билан унга берилган давлат мулки бўлган мулк базасида давлат унитар корхонаси шаклида ташкил этилган тижорат ташкилоти ҳисобланади, у ўзига бириктирилган мулкка нисбатан, қонунда белгиланган доирада, ўз фаолияти мақсадларига, мулкдор (ёки унинг топшириғи билан — у томонидан масъул этиб тайинланган давлат органи — муассис) топшириқларига ва мол-мулкнинг белгиланган мақсадига мувофиқ эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқини амалга оширади.

2. Дирекция ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига ва фармойишларига, ушбу Уставга ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилади.

3. Дирекция юридик шахс ҳисобланади, алоҳида мол-мулкка, мустақил балансга, банкларда ҳисоб рақамларига, шу жумладан валюта ҳисоб рақамларига, эмблемага, штамплар ва бланкаларга, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган, ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бошқа реквизитларга эга бўлади.

4. Дирекциянинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи — ««Sirdaryo-farm» erkin iqtisodiy zona Direktsiyasi» Davlat unitar korxonasi;

қискартирилган номи — ««Sirdaryo-farm» EIZ Direktsiyasi» DUK;

б) рус тилида:

тўлиқ номи — Государственное унитарное предприятие «Дирекция свободной экономической зоны «Сирдарё-фарм»»;

қискартирилган номи — ГУП «Дирекция СЭЗ «Сирдарё-фарм»»;

в) инглиз тилида:

тўлиқ номи — «Directorate of free economic zone «Sirdarya-farm»» State Unitary Company;

қискартирилган номи — «Directorate of FEZ «Sirdarya-farm»» SUC.

5. Дирекциянинг жойлашган жойи (почта манзили): Сирдарё вилояти, Сирдарё тумани, Ўзбекистон кўчаси, 98-уй.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Дирекциянинг муассиси (кейинги ўринларда Муассис деб аталади) ҳисобланади.

7. Дирекция ўз номидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни олиши ва амалга ошириши, мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши, низоларни ҳал этишда бошқа органларда вакиллик қилиши мумкин.

8. Дирекция Муассиснинг розилигига кўра тижорат ташкилотларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик шахсларнинг қатнашишига йўл қўйиладиган нотижорат ташкилотларда қатнашчи (акциядор, аъзо) бўлиши мумкин.

9. Дирекция бошқа давлат корхонасининг муассиси бўлиши мумкин эмас.

2-боб. Дирекция фаолиятининг мақсади ва асосий йўналишлари

10. «Сирдарё-фарм» эркин иқтисодий зонаси (кейинги ўринларда «Сирдарё-фарм» ЭИЗ деб аталади) фаолиятини, шу жумладан, «Сирдарё-фарм» ЭИЗни ривожлантириш давлат дастурларининг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини, «Сирдарё-фарм» ЭИЗ ҳудудида алоҳида ҳуқуқӣ режимга риоя этилишини таъминлаш йўли билан тезкор бошқариш, шунингдек «Сирдарё-фарм» ЭИЗ ҳудудидаги хўжалик фаолияти қатнашчиларига (кейинги ўринларда «Сирдарё-фарм» ЭИЗ қатнашчилари» деб аталади) хизматлар кўрсатишдан ҳамда ушбу Уставда назарда тутилган бошқа ишларни бажаришдан (хизматлар кўрсатишдан) фойда олиш Дирекция фаолиятининг асосий мақсади ҳисобланади.

11. Қуйидагилар Дирекция фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади:

«Сирдарё-фарм» ЭИЗ қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг реестрини юритиш, уларга тегишли гувоҳномалар бериш;

«Сирдарё-фарм» ЭИЗ ҳудудида «Сирдарё-фарм» ЭИЗ қатнашчилари ҳисобланмайдиган бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобини юритиш;

белгиланган тартибда танланган инвесторлар билан эркин иқтисодий

зоналар Маъмурий кенгаши (кейинги ўринларда Маъмурий кенгаш деб аталади) қарорларига мувофиқ «Сирдарё-фарм» ЭИЗ ҳудудида инвестиция киритиш тўғрисида битимлар, «Сирдарё-фарм» ЭИЗ қатнашчилари билан давлат мулки бўлган фаолият кўрсатмаётган ташкилотларни ва мол-мулкни нулгач тенг харид қиймати бўйича сотиш тўғрисида шартномалар тузиш;

белгиланган тартибда танланган инвесторлар томонидан ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларнинг зарур даражада бажарилишини назорат қилиш, кейинчалик унинг натижаларини Маъмурий кенгашга тақдим этиш;

«Сирдарё-фарм» ЭИЗ ҳудудида фармацевтика маҳсулотлари, дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий ва маҳаллий инвесторларни қидириш ва жалб этиш;

ишлаб чиқилган «Сирдарё-фарм» ЭИЗ бош режаси ва Маъмурий кенгаш қарорлари билан маъқулланган инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш;

доривор ўсимликларнинг саноат плантациялари ташкил этилишида иштирок этиш, кейинчалик дори воситалари чуқур қайта ишланиши ва ишлаб чиқарилишини ташкил этиш;

«Сирдарё-фарм» ЭИЗ ҳудудида жойлашган давлат мулки бўлган кўчмас мулк объектларини Дирекцияга берилган ваколатлар доирасида бошқариш;

«Сирдарё-фарм» ЭИЗ қатнашчиларига инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш, ташкилотларни ишга тушириш ва уларнинг фаолияти учун зарур бўлган инфратузилма (электр энергияси, газ ва сув таъминоти, канализация, кириш йўллари ва бошқалар) билан таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда кўмаклашиш;

«Сирдарё-фарм» ЭИЗ қатнашчиларига, шу жумладан давлат органларида уларнинг манфаатларини ифодалаш йўли билан хизматлар кўрсатиш;

Маъмурий кенгаш ваколатларига кирувчи масалалар бўйича унинг мажлисларида кўриб чиқиш учун материаллар тайёрлаш;

«Сирдарё-фарм» ЭИЗ фаолиятини оператив бошқариш бўйича бошқа функцияларни амалга ошириш.

Қонун ҳужжатларида ушбу Уставда назарда тутилган тегишли фаолият турининг лицензияланиши зарурлиги белгиланган тақдирда, Дирекция фаолиятнинг ушбу турини лицензия олмасдан, тегишли лицензияловчи орган билан тузилган лицензия битими асосида амалга оширишга ҳақлидир.

12. Дирекция қонун ҳужжатларида тақиқланмаган фаолиятнинг бошқа турларини амалга ошириши мумкин.

3-боб. Дирекция фаолиятини бошқариш

13. Дирекция Муассисга ва Маъмурий кенгашга ҳисобот беради.

14. Муассис қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Дирекция фаолиятининг мақсади ва йўналишларини белгилаш;

Дирекция Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

Дирекциянинг ортиқча, фойдаланилмаётган ёхуд белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган мулкни олиб қўйиш ва тасарруф этиш;

Дирекцияга берилган мулкдан фойдаланишдан олинган соф фойданинг бир қисмини ёки ҳаммасини олиш;

Дирекция мулки билан амалга оширилган битимларни ҳаққоний эмас деб эътироф этиш тўғрисида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш;

Дирекцияга етказилган зарарларни қоплаш тўғрисида даъво такдим этиш;

Дирекцияни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансини тасдиқлаш; меҳнатга оид қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Дирекция раҳбари билан меҳнат шартномасини муддатидан олдин тўхтатиш.

Муассис қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

15. Маъмурий кенгаш Дирекция фаолиятига раҳбарликни ва назоратни, шунингдек «Сирдарё-фарм» ЭИЗнинг мустақил бюджети ҳамда «Сирдарё-фарм» ЭИЗни ривожлантириш жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланилиши юзасидан назоратни амалга оширади.

16. Маъмурий кенгаш ваколатига қуйидагилар киради:

«Сирдарё-фарм» ЭИЗни ривожлантириш бўйича Дирекциянинг стратегик вазифаларини ва фаолияти йўналишларини белгилаш ҳамда «Сирдарё-фарм» ЭИЗни ривожлантиришнинг тегишли ўрта муддатли ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқишни ташкил этиш;

«Сирдарё-фарм» ЭИЗнинг самарали фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган ташкилий-техник тадбирларни тасдиқлаш, шунингдек уларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқиш;

Дирекциянинг молия-хўжалик фаолиятини ҳар чоракда ўрганишни ташкил этиш;

ҳар чоракда Дирекция фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни эшитиш;

Муассис номидан Дирекция директорини ёллаш тўғрисида меҳнат шартномаси (контракт)ни тузиш ва бекор қилиш;

Дирекциянинг бошқарув аппарати тузилмасини маъқуллаш;

Дирекциянинг штатлар рўйхатини ва харажатлари сметасини тасдиқлаш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар.

17. Маъмурий кенгаш ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун Дирекция фаолиятига тааллуқли ҳужжатларни талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга. Олинган ҳужжатлардан Маъмурий кенгаш томонидан фақат хизмат мақсадларида фойдаланилади.

18. Дирекциянинг жорий фаолиятига раҳбарликни Маъмурий кенгаш томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод этиладиган Директор амалга оширади.

19. Директор ижро этувчи орган ҳисобланади.

20. Директор:

қонун ҳужжатлари талабларини бажаришга, Дирекция ходимларининг меҳнат шароитларини муҳофаза қилиш ва яхшилашга, атроф муҳитни му-

хофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги норма ва қоидаларга риоя этилишини таъминлашга йўналтирилган тадбирларни ишлаб чиқади ва жорий этади;

«Сирдарё-фарм» ЭИЗни ривожлантириш дастурлари амалга оширилишини ташкил қилади;

Дирекциянинг асосий фаолиятини такомиллаштиришга, бошқаришнинг энг янги усулларини жорий этишга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш чора-тадбирларини кўради;

Дирекция номидан ишончномасиз иш кўради, барча ташкилотларда, шу жумладан хорижий ташкилотларда унинг манфаатларини ифодалайди;

ходимларни ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномалари (контрактлар) тузади ҳамда уларни ўзгартиради ва амал қилишини тўхтатади;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончномалар беради;

кадрларни тайёрлаш ва ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш чора-тадбирларини кўради;

Дирекциянинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

Дирекциянинг ички иш тартибини ва хўжалик фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлайди;

Дирекция томонидан қонун ҳужжатларига риоя қилинишини ташкил этиш ва назорат қилишни таъминлайди;

Дирекцияга юкланган мақсадлар ва вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа функцияларни амалга оширади.

21. Директор Муассис ва Маъмурий кенгаш олдида Дирекция фаолияти тўғрисида белгиланган тартибда ҳисобот беради.

22. Директор ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва вазифаларини бажаришда Дирекция манфаатларини кўзлаган ҳолда ҳаракат қилиши лозим ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар, иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи барча талабларнинг ва уларга тенглаштирилган тўловларнинг қондирилиши, бевосита ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ эҳтиёжларга маблағлар ўтказилмаганлиги, Дирекциянинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан, шу жумладан Дирекцияга берилган давлат мол-мулки йўқотилган тақдирда, етказилган зарар юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

23. Директор «Сирдарё-фарм» ЭИЗнинг Маъмурий кенгаш томонидан тасдиқланадиган мустақил бюджет маблағларининг тасарруф этувчиси ҳисобланади ҳамда «Сирдарё-фарм» ЭИЗнинг мустақил бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботни белгиланган тартибда тақдим этади.

24. Директор ўз зиммасига юкланган вазифаларнинг бажарилиши, шунингдек Дирекцияга берилган давлат мулкнинг сақланиши ва ундан мақсадли фойдаланилиши юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

4-боб. Дирекциянинг устав фонди

25. Дирекциянинг устав фонди «Сирдарё-фарм» ЭИЗ фаолиятини оператив бошқаришни амалга ошириш учун Муассис томонидан ўзига берилган маблағлар, мол-мулк ва бошқа активлар йиғиндисидан иборат бўлади.

26. Дирекция устав фондининг миқдори 300 млн сўмни ташкил қилади.

5-боб. Дирекциянинг устав фондиди кўпайтириш ва камайтириш тартиби

27. Дирекциянинг устав фондиди кўпайтириш ёки камайтириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Муассис қарорига биноан амалга оширилади.

6-боб. Дирекция мулкини тасарруф этиш

28. Муассис томонидан Дирекцияга оператив бошқарув ҳуқуқи билан биркирилган асосий фондлар ва айланма маблағлар Дирекция мол-мулкини ташкил қилади.

29. Дирекциянинг асосий фондлари ва айланма маблағлари бўлинмайди ва улушлар (хиссалар, пайлар) бўйича тақсимланиши мумкин эмас.

30. Маъмурий кенгаш Дирекцияга берилган давлат мулкидан белгиланган мақсадда фойдаланилишини ва унинг сақланишини, шунингдек ўзгага берилишини Муассис номидан назорат қилади.

31. Директор Муассис билан келишган ҳолда Дирекция мулкини қуйидаги ҳолатларда тасарруф этиши мумкин:

асосий воситаларни сотиш, уларни ижарага бериш ёки гаровга қўйиш; мол-мулкни бошқа хўжалик жамиятининг устав фондига улуш сифатида киритиш;

бошқа хўжалик жамиятларининг акциялари (улушлари)ни сотиб олиш (бошқа давлат корхоналари бундан мустасно);

давлат корхонаси фаолияти мақсадларига мувофиқ мол-мулкни бошқача тарзда тасарруф этиш.

7-боб. Даромадларни шакллантириш тартиби

32. Дирекция даромади:

хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар;

давлат мулки бўлган ва «Сирдарё-фарм» ЭИЗ ҳудудда жойлашган бинолар ва иншоотларни ижарага беришдан тушумларнинг бир қисми;

Маъмурий кенгаш томонидан белгиланган миқдорда ЭИЗ қатнашчилари ажратмалари;

Ўзбекистон Республикасининг тегишли йилга Инвестиция дастурида белгиланган мақсадли бюджет маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобига шакллантирилади.

8-боб. Захира фондини ва бошқа фондларни шакллантириш тартиби

33. Дирекция ўз тасарруфида қоладиган соф фойда ҳисобига захира фондини, шунингдек бошқа фондларни ташкил этиши мумкин, уларнинг миқдори ва шакллантирилиши тартиби Муассис томонидан тасдиқланади.

9-боб. Даромад (фойда)ни тақсимлаш ва зарарларни қоплаш тартиби

34. Акциядорлик жамиятлари фаолиятини самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси томонидан белгиланадиган Дирекциянинг соф фойдаси Дирекция тасарруфида қолади ва ундан Муассис қарорига кўра фойдаланилади.

35. Муассис ўз қарори билан ўзга юридик ва жисмоний шахсларга хайрия мақсадлари учун йўналтириладиган пул маблағларининг чекланган суммасини, уларни тасарруф этиш ҳуқуқини Директорга берган ҳолда белгилайди.

36. Дирекциянинг хўжалик фаолияти натижасида кўрилган зарарларини қоплаш ушбу мақсадлар учун ташкил этилган захира фонди маблағлари ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

10-боб. Ҳисоботларни тақдим этиш тартиби

37. Дирекция ҳисобот даври тугагач ваколатли органларга молия ҳисоботини ва рўйхати қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатларни тақдим этади ҳамда ҳужжатларнинг сақланиши ва уларнинг давлат томонидан сақлашга берилиши юзасидан белгиланган тартибда жавоб беради.

38. Дирекциянинг хўжалик субъекти сифатидаги фаолиятини назорат қилиш Маъмурий кенгаш томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

39. Директор ҳар чоракда Дирекция фаолияти натижалари ва тасдиқланган ривожлантириш дастурларининг амалга оширилиши тўғрисида Маъмурий кенгашга ҳисобот беради.

11-боб. Дирекциянинг жавобгарлиги

40. Дирекция ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мулк билан жавоб беради. Муассис Дирекциянинг мулки етарли бўлмаган тақдирда унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавоб беради.

41. Дирекция Муассиснинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

12-боб. Дирекцияни тугатиш ва қайта ташкил этиш

42. Дирекция Муассиснинг қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ёки суд қарорига биноан тугатилиши ёки қайта ташкил этилиши мумкин.

43. Дирекцияни тугатиш ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтмаган ҳолда Дирекция фаолиятининг тўхта-тилишига сабаб бўлади.

Дирекция қайта ташкил этилган тақдирда, ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳуқуқий ворисга ўтади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 25 июлдаги 542-сон қарорига
6-ИЛОВА

**«Бойсун-фарм» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси»
давлат унитар корхонасининг
УСТАВИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. «Бойсун-фарм» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси» давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда Дирекция деб аталади) оператив бошқарув ҳуқуқи билан унга берилган давлат мулки бўлган мулк базасида давлат унитар корхонаси шаклида ташкил этилган тижорат ташкилоти ҳисобланади, у ўзига бириктирилган мулкка нисбатан, қонунда белгиланган доирада, ўз фаолияти мақсадларига, мулкдор (ёки унинг топшириғи билан — у томонидан масъул этиб тайинланган давлат органи — муассис) топшириқларига ва мол-мулкнинг белгиланган мақсадига мувофиқ эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқини амалга оширади.

2. Дирекция ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига ва фармойишларига, ушбу Уставга ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилади.

3. Дирекция юридик шахс ҳисобланади, алоҳида мол-мулкка, мустақил балансга, банкларда ҳисоб рақамларига, шу жумладан валюта ҳисоб рақамларига, эмблемага, штамплар ва бланкаларга, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган, ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бошқа реквизитларга эга бўлади.

4. Дирекциянинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи — ««Baysun-farm» erkin iqtisodiy zona direktsiyasi» Davlat unitar korxonasi;

қисқартирилган номи — ««Baysun-farm» EIZ Direktsiyasi» DUK;

б) рус тилида:

тўлиқ номи — Государственное унитарное предприятие «Дирекция свободной экономической зоны «Бойсун-фарм»»;

қисқартирилган номи — ГУП «Дирекция СЭЗ «Бойсун-фарм»»;

в) инглиз тилида:

тўлиқ номи — «Directorate of free economic zone «Baysun-farm»» State Unitary Company;

қисқартирилган номи — «Directorate of FEZ «Baysun-farm»» SUC.

5. Дирекциянинг жойлашган жойи (почта манзили): Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани, М. Тоғаев кўчаси.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Дирекциянинг муассиси (кейинги ўринларда Муассис деб аталади) ҳисобланади.

7. Дирекция ўз номидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни олиши ва амалга ошириши, мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши, низоларни ҳал этишда бошқа органларда вакиллик қилиши мумкин.

8. Дирекция Муассиснинг розилигига кўра тижорат ташкилотларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик шахсларнинг қатнашишига йўл қўйиладиган нотижорат ташкилотларда қатнашчи (акциядор, аъзо) бўлиши мумкин.

9. Дирекция бошқа давлат корхонасининг муассиси бўлиши мумкин эмас.

2-боб. Дирекция фаолиятининг мақсади ва асосий йўналишлари

10. «Бойсун-фарм» эркин иқтисодий зонаси (кейинги ўринларда «Бойсун-фарм» ЭИЗ деб аталади) фаолиятини, шу жумладан, «Бойсун-фарм» ЭИЗни ривожлантириш давлат дастурларининг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини, «Бойсун-фарм» ЭИЗ ҳудудида алоҳида ҳуқуқӣ режимга риоя этилишини таъминлаш йўли билан тезкор бошқариш, шунингдек «Бойсун-фарм» ЭИЗ ҳудудидаги хўжалик фаолияти қатнашчиларига (кейинги ўринларда «Бойсун-фарм» ЭИЗ қатнашчилари» деб аталади) хизматлар кўрсатишдан ҳамда ушбу Уставда назарда тутилган бошқа ишларни бажаришдан (хизматлар кўрсатишдан) фойда олиш Дирекция фаолиятининг асосий мақсади ҳисобланади.

11. Қуйидагилар Дирекция фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади:

«Бойсун-фарм» ЭИЗ қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг реестрини юритиш, уларга тегишли гувоҳномалар бериш;

«Бойсун-фарм» ЭИЗ ҳудудида «Бойсун-фарм» ЭИЗ қатнашчилари ҳисобланмайдиган бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобини юритиш;

белгиланган тартибда танланган инвесторлар билан эркин иқтисодий зоналар Маъмурий кенгаши (кейинги ўринларда Маъмурий кенгаш деб аталади) қарорларига мувофиқ «Бойсун-фарм» ЭИЗ ҳудудида инвестиция киритиш тўғрисида битимлар, «Бойсун-фарм» ЭИЗ қатнашчилари билан давлат мулки бўлган фаолият кўрсатмаётган ташкилотларни ва мол-мулкни нулга тенг харид қиймати бўйича сотиш тўғрисида шартномалар тузиш;

белгиланган тартибда танланган инвесторлар томонидан ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларнинг зарур даражада бажарилишини назорат қилиш, кейинчалик унинг натижаларини Маъмурий кенгашга тақдим этиш;

«Бойсун-фарм» ЭИЗ ҳудудида фармацевтика маҳсулотлари, дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий ва маҳаллий инвесторларни қидириш ва жалб этиш;

ишлаб чиқилган «Бойсун-фарм» ЭИЗ бош режаси ва Маъмурий кенгаш қарорлари билан маъқулланган инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш;

доривор ўсимликларнинг саноат плантациялари ташкил этилишида иштирок этиш, кейинчалик дори воситалари чуқур қайта ишланиши ва ишлаб чиқарилишини ташкил этиш;

«Бойсун-фарм» ЭИЗ ҳудудида жойлашган давлат мулки бўлган кўчмас мулк объектларини Дирекцияга берилган ваколатлар доирасида бошқариш;

«Бойсун-фарм» ЭИЗ қатнашчиларига инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш, ташкилотларни ишга тушириш ва уларнинг фаолияти учун зарур бўлган инфратузилма (электр энергияси, газ ва сув таъминоти, канализация, кириш йўллари ва бошқалар) билан таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда қўмаклашиш;

«Бойсун-фарм» ЭИЗ қатнашчиларига, шу жумладан давлат органларида уларнинг манфаатларини ифодалаш йўли билан хизматлар кўрсатиш;

Маъмурий кенгаш ваколатларига кирувчи масалалар бўйича унинг мажлисларида кўриб чиқиш учун материаллар тайёрлаш;

«Бойсун-фарм» ЭИЗ фаолиятини оператив бошқариш бўйича бошқа функцияларни амалга ошириш.

Қонун ҳужжатларида ушбу Уставда назарда тутилган тегишли фаолият турининг лицензияланиши зарурлиги белгиланган тақдирда, Дирекция фаолиятнинг ушбу турини лицензия олмасдан, тегишли лицензияловчи орган билан тузилган лицензия битими асосида амалга оширишга ҳақлидир.

12. Дирекция Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида тақиқланмаган фаолиятнинг бошқа турларини амалга ошириши мумкин.

3-боб. Дирекция фаолиятини бошқариш

13. Дирекция Муассисга ва Маъмурий кенгашга ҳисобот беради.

14. Муассис қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Дирекция фаолиятининг мақсади ва йўналишларини белгилаш;

Дирекция Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

Дирекциянинг ортикча, фойдаланилмаётган ёхуд белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган мулкни олиб қўйиш ва тасарруф этиш;

Дирекцияга берилган мулкдан фойдаланишдан олинган соф фойданинг бир қисмини ёки ҳаммасини олиш;

Дирекция мулки билан амалга оширилган битимларни ҳаққоний эмас деб эътироф этиш тўғрисида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш;

Дирекцияга етказилган зарарларни қоплаш тўғрисида даъво тақдим этиш;

Дирекцияни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансини тасдиқлаш; меҳнатга оид қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Дирекция раҳбари билан меҳнат шартномасини муддатидан олдин тўхтатиш.

Муассис қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

15. Маъмурий кенгаш Дирекция фаолиятига раҳбарликни ва назоратни, шунингдек «Бойсун-фарм» ЭИЗнинг мустақил бюджети ҳамда «Бойсун-фарм» ЭИЗни ривожлантириш жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланилиши юзасидан назоратни амалга оширади.

16. Маъмурий кенгаш ваколатига қўйидагилар киради:

«Бойсун-фарм» ЭИЗни ривожлантириш бўйича Дирекциянинг стратегик вазифаларини ва фаолияти йўналишларини белгилаш ҳамда «Бойсун-фарм» ЭИЗни ривожлантиришнинг тегишли ўрта муддатли ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқишни ташкил этиш;

«Бойсун-фарм» ЭИЗнинг самарали фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган ташкилий-техник тадбирларни тасдиқлаш, шунингдек уларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқиш;

Дирекциянинг молия-ҳўжалик фаолиятини ҳар чоракда ўрганишни ташкил этиш;

ҳар чоракда Дирекция фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни эшитиш;

Муассис номидан Дирекция директорини ёллаш тўғрисида меҳнат шартномаси (контракт)ни тузиш ва бекор қилиш;

Дирекциянинг бошқарув аппарати тузилмасини маъқуллаш;

Дирекциянинг штатлар рўйхатини ва харажатлари сметасини тасдиқлаш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар.

17. Маъмурий кенгаш ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун Дирекция фаолиятига тааллуқли ҳужжатларни талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга. Олинган ҳужжатлардан Маъмурий кенгаш томонидан фақат хизмат мақсадларида фойдаланилади.

18. Дирекциянинг жорий фаолиятига раҳбарликни Маъмурий кенгаш томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган Директор амалга оширади.

19. Директор ижро этувчи орган ҳисобланади.

20. Директор:

қонун ҳужжатлари талабларини бажаришга, Дирекция ходимларининг меҳнат шароитларини муҳофаза қилиш ва яхшилашга, атроф муҳитни му-

хофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги норма ва қоидаларга риоя этилишини таъминлашга йўналтирилган тадбирларни ишлаб чиқади ва жорий этади;

«Бойсун-фарм» ЭИЗни ривожлантириш дастурлари амалга оширилишини ташкил қилади;

Дирекциянинг асосий фаолиятини такомиллаштиришга, бошқаришнинг энг янги усулларини жорий этишга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш чора-тадбирларини кўради;

Дирекция номидан ишончномасиз иш кўради, барча ташкилотларда, шу жумладан хорижий ташкилотларда унинг манфаатларини ифодалайди;

ходимларни ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномалари (контрактлар) тузади ҳамда уларни ўзгартиради ва амал қилишини тўхтатади;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончномалар беради;

кадрларни тайёрлаш ва ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш чора-тадбирларини кўради;

Дирекциянинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

Дирекциянинг ички иш тартибини ва хўжалик фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлайди;

Дирекция томонидан қонун ҳужжатларига риоя қилинишини ташкил этиш ва назорат қилишни таъминлайди;

Дирекцияга юкланган мақсадлар ва вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа функцияларни амалга оширади.

21. Директор Муассис ва Маъмурий кенгаш олдида Дирекция фаолияти тўғрисида белгиланган тартибда ҳисобот беради.

22. Директор ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва вазифаларини бажаришда Дирекция манфаатларини кўзлаган ҳолда ҳаракат қилиши лозим ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар, иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи барча талабларнинг ва уларга тенглаштирилган тўловларнинг қондирилиши, бевосита ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ эҳтиёжларга маблағлар ўтказилмаганлиги, Дирекциянинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан, шу жумладан Дирекцияга берилган давлат мол-мулки йўқотилган тақдирда, етказилган зарар юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

23. Директор «Бойсун-фарм» ЭИЗнинг Маъмурий кенгаш томонидан тасдиқланадиган мустақил бюджет маблағларининг тасарруф этувчиси ҳисобланади ҳамда «Бойсун-фарм» ЭИЗнинг мустақил бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботни белгиланган тартибда тақдим этади.

24. Директор ўз зиммасига юкланган вазифаларнинг бажарилиши, шунингдек Дирекцияга берилган давлат мулкининг сақланиши ва ундан мақсадли фойдаланилиши юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

4-боб. Дирекциянинг устав фонди

25. Дирекциянинг устав фонди «Бойсун-фарм» ЭИЗ фаолиятини оператив бошқаришни амалга ошириш учун Муассис томонидан ўзига берилган маблағлар, мол-мулк ва бошқа активлар йиғиндисидан иборат бўлади.

26. Дирекция устав фондининг миқдори 300 млн сўмни ташкил қилади.

5-боб. Дирекциянинг устав фонддини кўпайтириш ва камайтириш тартиби

27. Дирекциянинг устав фонддини кўпайтириш ёки камайтириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Муассис қарорига биноан амалга оширилади.

6-боб. Дирекция мулкани тасарруф этиш

28. Муассис томонидан Дирекцияга оператив бошқарув ҳуқуқи билан биркитилган асосий фондлар ва айланма маблағлар Дирекция мол-мулкани ташкил қилади.

29. Дирекциянинг асосий фондлари ва айланма маблағлари бўлинмайди ва улушлар (ҳиссалар, пайлар) бўйича тақсимланиши мумкин эмас.

30. Маъмурий кенгаш Дирекцияга берилган давлат мулкидан белгиланган мақсадда фойдаланилишини ва унинг сақланишини, шунингдек ўзгага берилишини Муассис номидан назорат қилади.

31. Директор Муассис билан келишган ҳолда Дирекция мулкани қуйидаги ҳолатларда тасарруф этиши мумкин:

асосий воситаларни сотиш, уларни ижарага бериш ёки гаровга қўйиш; мол-мулкни бошқа хўжалик жамиятининг (бошқа давлат корхоналари бундан мустасно) устав фондига улуш сифатида киритиш;

бошқа хўжалик жамиятларининг акциялари (улушлари)ни сотиб олиш (бошқа давлат корхоналари бундан мустасно);

давлат корхонаси фаолияти мақсадларига мувофиқ бўлмаган мол-мулкни бошқача тарзда тасарруф этиш.

7-боб. Даромадларни шакллантириш тартиби

32. Дирекция даромади:

хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар; давлат мулки бўлган ва «Бойсун-фарм» ЭИЗ ҳудудида жойлашган бинолар ва иншоотларни ижарага беришдан тушумларнинг бир қисми;

Маъмурий кенгаш томонидан белгиланган миқдорда ЭИЗ қатнашчилари ажратмалари;

Ўзбекистон Республикасининг тегишли йилга Инвестиция дастурида белгиланган мақсадли бюджет маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобига шакллантирилади.

8-боб. Захира фондини ва бошқа фондларни шакллантириш тартиби

33. Дирекция ўз тасарруфида қоладиган соф фойда ҳисобига захира фондини, шунингдек бошқа фондларни ташкил этиши мумкин, уларнинг миқдори ва шакллантирилиши тартиби Муассис томонидан тасдиқланади.

9-боб. Даромад (фойда)ни тақсимлаш ва зарарларни қоплаш тартиби

34. Акциядорлик жамиятлари фаолиятини самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси томонидан белгиланадиган Дирекциянинг соф фойдаси Дирекция тасарруфида қолади ва ундан Муассис қарорига кўра фойдаланилади.

35. Муассис ўз қарори билан ўзга юридик ва жисмоний шахсларга хайрия мақсадлари учун йўналтириладиган пул маблағларининг чекланган суммасини, уларни тасарруф этиш ҳуқуқини Директорга берган ҳолда белгилайди.

36. Дирекциянинг хўжалик фаолияти натижасида кўрилган зарарларини қоплаш ушбу мақсадлар учун ташкил этилган захира фонди маблағлари ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

10-боб. Ҳисоботларни тақдим этиш тартиби

37. Дирекция ҳисобот даври тугагач ваколатли органларга молия ҳисоботини ва рўйхати қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатларни тақдим этади ҳамда ҳужжатларнинг сақланиши ва уларнинг давлат томонидан сақлашга берилиши юзасидан белгиланган тартибда жавоб беради.

38. Дирекциянинг хўжалик субъекти сифатидаги фаолиятини назорат қилиш Маъмурий кенгаш томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

39. Директор ҳар чоракда Дирекция фаолияти натижалари ва тасдиқланган ривожлантириш дастурларининг амалга оширилиши тўғрисида Маъмурий кенгашга ҳисобот беради.

11-боб. Дирекциянинг жавобгарлиги

40. Дирекция ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мулк билан жавоб беради. Муассис Дирекциянинг мулки етарли бўлмаган тақдирда унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавоб беради.

41. Дирекция Муассиснинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

12-боб. Дирекцияни тугатиш ва қайта ташкил этиш

42. Дирекция Муассиснинг қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ёки суд қарорига биноан тугатилиши ёки қайта ташкил этилиши мумкин.

43. Дирекцияни тугатиш Дирекция фаолиятининг ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтмаган ҳолда тўхтатилишига сабаб бўлади.

Дирекция қайта ташкил этилган тақдирда, ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳуқуқий ворисга ўтади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 25 июлдаги 542-сон қарорига
7-ИЛОВА

**«Бўстонлик-фарм» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси»
давлат унитар корхонасининг
УСТАВИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. «Бўстонлик-фарм» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси» давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда Дирекция деб аталади) оператив бошқарув ҳуқуқи билан унга берилган давлат мулки бўлган мулк базасида давлат унитар корхонаси шаклида ташкил этилган тижорат ташкилоти ҳисобланади, у ўзига бириктирилган мулкка нисбатан, қонунда белгиланган доирада, ўз фаолияти мақсадларига, мулкдор (ёки унинг топшириғи билан — у томонидан масъул этиб тайинланган давлат органи — муассис) топшириқларига ва мол-мулкнинг белгиланган мақсадига мувофиқ эғалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқини амалга оширади.

2. Дирекция ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига ва фармойишларига, ушбу Уставга ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилади.

3. Дирекция юридик шахс ҳисобланади, алоҳида мол-мулкка, мустақил балансга, банкларда ҳисоб рақамларига, шу жумладан валюта ҳисоб рақамларига, эмблемага, штамплар ва бланкаларга, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган, ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бошқа реквизитларга эга бўлади.

4. Дирекциянинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи — ««Bostonliq-farm» erkin iqtisodiy zona direktsiyasi» Davlat unitar korxonasi;

қискартирилган номи — ««Bostonliq-farm» EIZ direktsiyasi» DUK;

б) рус тилида:

тўлиқ номи — Государственное унитарное предприятие «Дирекция свободной экономической зоны «Бустонлик-фарм»»;

қискартирилган номи — ГУП «Дирекция СЭЗ «Бустонлик-фарм»»;

в) англиз тилида:

тўлиқ номи — «Directorate of free economic zone «Bostanlik-farm»» State Unitary Company;

қискартирилган номи — «Directorate of FEZ «Bostanlik-farm»» SUC.

5. Дирекциянинг жойлашган жойи (почта манзили): Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Фазалкент шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 14-уй.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Дирекциянинг муассиси (кейинги ўринларда Муассис деб аталади) ҳисобланади.

7. Дирекция ўз номидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни олиши ва амалга ошириши, мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши, низоларни ҳал этишда бошқа органларда вакиллик қилиши мумкин.

8. Дирекция Муассиснинг розилигига кўра тижорат ташкилотларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик шахсларнинг қатнашишига йўл қўйиладиган нотижорат ташкилотларда қатнашчи (акциядор, аъзо) бўлиши мумкин.

9. Дирекция бошқа давлат корхонасининг муассиси бўлиши мумкин эмас.

2-боб. Дирекция фаолиятининг мақсади ва асосий йўналишлари

10. «Бўстонлик-фарм» эркин иқтисодий зонаси (кейинги ўринларда «Бўстонлик-фарм» ЭИЗ деб аталади) фаолиятини, шу жумладан, «Бўстонлик-фарм» ЭИЗни ривожлантириш давлат дастурларининг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини, «Бўстонлик-фарм» ЭИЗ ҳудудида алоҳида ҳуқуқӣ режимга риоя этилишини таъминлаш йўли билан тезкор бошқариш, шунингдек «Бўстонлик-фарм» ЭИЗ ҳудудидаги хўжалик фаолияти қатнашчиларига (кейинги ўринларда «Бўстонлик-фарм» ЭИЗ қатнашчилари» деб аталади) хизматлар кўрсатишдан ҳамда ушбу Уставда назарда тутилган бошқа ишларни бажаришдан (хизматлар кўрсатишдан) фойда олиш Дирекция фаолиятининг асосий мақсади ҳисобланади.

11. Қуйидагилар Дирекция фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади:

«Бўстонлик-фарм» ЭИЗ қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг реестрини юритиш, уларга тегишли гувоҳномалар бериш;

«Бўстонлик-фарм» ЭИЗ ҳудудида «Бўстонлик-фарм» ЭИЗ қатнашчилари ҳисобланмайдиган бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобини юритиш;

белгиланган тартибда танланган инвесторлар билан эркин иқтисодий зоналар Маъмурий кенгаши (кейинги ўринларда Маъмурий кенгаш деб аталади) қарорларига мувофиқ «Бўстонлик-фарм» ЭИЗ ҳудудида инвестиция киритиш тўғрисида битимлар, «Бўстонлик-фарм» ЭИЗ қатнашчилари билан давлат мулки бўлган фаолият кўрсатмаётган ташкилотларни ва мол-мулкни нулга тенг харид қиймати бўйича сотиш тўғрисида шартномалар тузиш;

белгиланган тартибда танланган инвесторлар томонидан ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларнинг зарур даражада бажарилишини назорат қилиш, кейинчалик унинг натижаларини Маъмурий кенгашга тақдим этиш;

«Бўстонлик-фарм» ЭИЗ ҳудудида фармацевтика маҳсулотлари, дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий ва маҳаллий инвесторларни қидириш ва жалб этиш;

ишлаб чиқилган «Бўстонлик-фарм» ЭИЗ бош режаси ва Маъмурий кенгаш қарори билан маъқулланган инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш;

доривор ўсимликларнинг саноат плантациялари ташкил этилишида иштирок этиш, кейинчалик дори воситалари чуқур қайта ишланиши ва ишлаб чиқарилишини ташкил этиш;

«Бўстонлик-фарм» ЭИЗ ҳудудида жойлашган давлат мулки бўлган кўчмас мулк объектларини Дирекцияга берилган ваколатлар доирасида бошқариш;

«Бўстонлик-фарм» ЭИЗ қатнашчиларига инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш, ташкилотларни ишга тушириш ва уларнинг фаолияти учун зарур бўлган инфратузилма (электр энергияси, газ ва сув таъминоти, канализация, кириш йўллари ва бошқалар) билан таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда кўмаклашиш;

«Бўстонлик-фарм» ЭИЗ қатнашчиларига, шу жумладан давлат органларида уларнинг манфаатларини ифодалаш йўли билан хизматлар кўрсатиш;

Маъмурий кенгаш ваколатларига кирувчи масалалар бўйича унинг мажлисларида кўриб чиқиш учун материаллар тайёрлаш;

«Бўстонлик-фарм» ЭИЗ фаолиятини тезкор бошқариш бўйича бошқа функцияларни амалга ошириш.

Қонун ҳужжатларида ушбу Уставда назарда тутилган тегишли фаолият турининг лицензияланиши зарурлиги белгиланган тақдирда, Дирекция фаолиятнинг ушбу турини лицензия олмасдан, тегишли лицензияловчи орган билан тузилган лицензия битими асосида амалга оширишга ҳақлидир.

12. Дирекция қонун ҳужжатларида тақиқланмаган фаолиятнинг бошқа турларини амалга ошириши мумкин.

3-боб. Дирекция фаолиятини бошқариш

13. Дирекция Муассисга ва Маъмурий кенгашга ҳисобот беради.

14. Муассис қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Дирекция фаолиятининг мақсади ва йўналишларини белгилаш;

Дирекция Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

Дирекциянинг ортиқча, фойдаланилмаётган ёхуд белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган мулкни олиб қўйиш ва тасарруф этиш;

Дирекцияга берилган мулкдан фойдаланишдан олинган соф фойданинг бир қисмини ёки ҳаммасини олиш;

Дирекция мулки билан амалга оширилган битимларни ҳаққоний эмас деб эътироф этиш тўғрисида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш;

Дирекцияга етказилган зарарларни қоплаш тўғрисида даъво такдим этиш;

Дирекцияни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансини тасдиқлаш; меҳнатга оид қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Дирекция раҳбари билан меҳнат шартномасини муддатидан олдин тўхтатиш.

Муассис қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

15. Маъмурий кенгаш Дирекция фаолиятига раҳбарликни ва назоратни, шунингдек «Бўстонлиқ-фарм» ЭИЗнинг мустақил бюджети ҳамда «Бўстонлиқ-фарм» ЭИЗни ривожлантириш жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланилиши юзасидан назоратни амалга оширади.

16. Маъмурий кенгаш ваколатига қуйидагилар киради:

«Бўстонлиқ-фарм» ЭИЗни ривожлантириш бўйича Дирекциянинг стратегик вазифаларини ва фаолияти йўналишларини белгилаш ҳамда «Бўстонлиқ-фарм» ЭИЗни ривожлантиришнинг тегишли ўрта муддатли ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқишни ташкил этиш;

«Бўстонлиқ-фарм» ЭИЗнинг самарали фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган ташкилий-техник тадбирларни тасдиқлаш, шунингдек уларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқиш;

Дирекциянинг молия-хўжалик фаолиятини ҳар чоракда ўрганишни ташкил этиш;

ҳар чоракда Дирекция фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни эшитиш;

Муассис номидан Дирекция директорини ёллаш тўғрисида меҳнат шартномаси (контракт)ни тузиш ва бекор қилиш;

Дирекциянинг бошқарув аппарати тузилмасини маъқуллаш;

Дирекциянинг штатлар рўйхатини ва харажатлари сметасини тасдиқлаш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар.

17. Маъмурий кенгаш ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун Дирекция фаолиятига тааллуқли ҳужжатларни талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга. Олинган ҳужжатлардан Маъмурий кенгаш томонидан фақат хизмат мақсадларида фойдаланилади.

18. Дирекциянинг жорий фаолиятига раҳбарликни Маъмурий кенгаш томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод этиладиган Директор амалга оширади.

19. Директор ижро этувчи орган ҳисобланади.

20. Директор:

қонун ҳужжатлари талабларини бажаришга, Дирекция ходимларининг меҳнат шароитларини муҳофаза қилиш ва яхшилашга, атроф муҳитни му-

хофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги норма ва қоидаларга риоя этилишини таъминлашга йўналтирилган тадбирларни ишлаб чиқади ва жорий этади;

«Бўстонлик-фарм» ЭИЗни ривожлантириш дастурлари амалга оширилишини ташкил қилади;

Дирекциянинг асосий фаолиятини такомиллаштиришга, бошқаришнинг энг янги усулларини жорий этишга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш чора-тадбирларини кўради;

Дирекция номидан ишончномасиз иш кўради, барча ташкилотларда, шу жумладан хорижий ташкилотларда унинг манфаатларини ифодалайди;

ходимларни ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномалари (контрактлар) тузади ҳамда уларни ўзгартиради ва амал қилишини тўхтатади;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончномалар беради;

кадрларни тайёрлаш ва ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш чора-тадбирларини кўради;

Дирекциянинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

Дирекциянинг ички иш тартибини ва хўжалик фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлайди;

Дирекция томонидан қонун ҳужжатларига риоя қилинишини ташкил этиш ва назорат қилишни таъминлайди;

Дирекцияга юкланган мақсадлар ва вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа функцияларни амалга оширади.

21. Директор Муассис ва Маъмурий кенгаш олдида Дирекция фаолияти тўғрисида белгиланган тартибда ҳисобот беради.

22. Директор ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва вазифаларини бажаришда Дирекция манфаатларини кўзлаган ҳолда ҳаракат қилиши лозим ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар, иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи барча талабларнинг ва уларга тенглаштирилган тўловларнинг қондирилиши, бевосита ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ эҳтиёжларга маблағлар ўтказилмаганлиги, Дирекциянинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан, шу жумладан Дирекцияга берилган давлат мол-мулки йўқотилган тақдирда, етказилган зарар юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

23. Директор «Бўстонлик-фарм» ЭИЗнинг Маъмурий кенгаш томонидан тасдиқланадиган мустақил бюджет маблағларининг тасарруф этувчиси ҳисобланади ҳамда «Бўстонлик-фарм» ЭИЗнинг мустақил бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботни белгиланган тартибда тақдим этади.

24. Директор ўз зиммасига юкланган вазифаларнинг бажарилиши, шунингдек Дирекцияга берилган давлат мулкнинг сақланиши ва ундан мақсадли фойдаланилиши юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

4-боб. Дирекциянинг устав фонди

25. Дирекциянинг устав фонди «Бўстонлик-фарм» ЭИЗ фаолиятини оператив бошқаришни амалга ошириш учун Муассис томонидан ўзига берилган маблағлар, мол-мулк ва бошқа активлар йиғиндисидан иборат бўлади.

26. Дирекция устав фондининг миқдори 300 млн сўмни ташкил қилади.

5-боб. Дирекциянинг устав фондиди кўпайтириш ва камайтириш тартиби

27. Дирекциянинг устав фондиди кўпайтириш ёки камайтириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Муассис қарорига биноан амалга оширилади.

6-боб. Дирекция мулкини тасарруф этиш

28. Муассис томонидан Дирекцияга оператив бошқарув ҳуқуқи билан биркирилган асосий фондлар ва айланма маблағлар Дирекция мол-мулкини ташкил қилади.

29. Дирекциянинг асосий фондлари ва айланма маблағлари бўлинмайди ва улушлар (хиссалар, пайлар) бўйича тақсимланиши мумкин эмас.

30. Маъмурий кенгаш Дирекцияга берилган давлат мулкидан белгиланган мақсадда фойдаланилишини ва унинг сақланишини, шунингдек ўзгага берилишини Муассис номидан назорат қилади.

31. Директор Муассис билан келишган ҳолда Дирекция мулкини қуйидаги ҳолатларда тасарруф этиши мумкин:

асосий воситаларни сотиш, уларни ижарага бериш ёки гаровга қўйиш;

мол-мулкни бошқа хўжалик жамиятининг (бошқа давлат корхоналари бундан мустасно) устав фондига улуш сифатида киритиш;

бошқа хўжалик жамиятларининг акциялари (улушлари)ни сотиб олиш (бошқа давлат корхоналари бундан мустасно);

давлат корхонаси фаолияти мақсадларига мувофиқ бўлмаган мол-мулкни бошқача тарзда тасарруф этиш.

7-боб. Даромадларни шакллантириш тартиби

32. Дирекция даромади:

хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар;

давлат мулки бўлган ва «Бўстонлик-фарм» ЭИЗ ҳудудда жойлашган бинолар ва иншоотларни ижарага беришдан тушумларнинг бир қисми;

Маъмурий кенгаш томонидан белгиланган миқдорда ЭИЗ қатнашчилари ажратмалари;

Ўзбекистон Республикасининг тегишли йилга Инвестиция дастурида белгиланган мақсадли бюджет маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобига шакллантирилади.

8-боб. Захира фондини ва бошқа фондларни шакллантириш тартиби

33. Дирекция ўз тасарруфида қоладиган соф фойда ҳисобига захира фондини, шунингдек бошқа фондларни ташкил этиши мумкин, уларнинг миқдори ва шакллантирилиши тартиби Муассис томонидан тасдиқланади.

9-боб. Даромад (фойда)ни тақсимлаш ва зарарларни қоплаш тартиби

34. Акциядорлик жамиятлари фаолиятини самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси томонидан белгиланадиган Дирекциянинг соф фойдаси Дирекция тасарруфида қолади ва ундан Муассис қарорига кўра фойдаланилади.

35. Муассис ўз қарори билан ўзга юридик ва жисмоний шахсларга хайрия мақсадлари учун йўналтириладиган пул маблағларининг чекланган суммасини, уларни тасарруф этиш ҳуқуқини Директорга берган ҳолда белгилайди.

36. Дирекциянинг хўжалик фаолияти натижасида кўрилган зарарларини қоплаш ушбу мақсадлар учун ташкил этилган захира фонди маблағлари ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

10-боб. Ҳисоботларни тақдим этиш тартиби

37. Дирекция ҳисобот даври тугагач ваколатли органларга молия ҳисоботини ва рўйхати қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатларни тақдим этади ҳамда ҳужжатларнинг сақланиши ва уларнинг давлат томонидан сақлашга берилиши юзасидан белгиланган тартибда жавоб беради.

38. Дирекциянинг хўжалик субъекти сифатидаги фаолиятини назорат қилиш Маъмурий кенгаш томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

39. Директор ҳар чоракда Дирекция фаолияти натижалари ва тасдиқланган ривожлантириш дастурларининг амалга оширилиши тўғрисида Маъмурий кенгашга ҳисобот беради.

11-боб. Дирекциянинг жавобгарлиги

40. Дирекция ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мулк билан жавоб беради. Муассис Дирекциянинг мулки етарли бўлмаган тақдирда унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавоб беради.

41. Дирекция Муассиснинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

12-боб. Дирекцияни тугатиш ва қайта ташкил этиш

42. Дирекция Муассиснинг қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ёки суд қарорига биноан тугатилиши ёки қайта ташкил этилиши мумкин.

43. Дирекцияни тугатиш Дирекция фаолиятининг ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтмаган ҳолда тўхтатилишига сабаб бўлади.

Дирекция қайта ташкил этилган тақдирда, ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳуқуқий ворисга ўтади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 25 июлдаги 542-сон қарорига
8-ИЛОВА

**«Паркент-фарм» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси»
давлат унитар корхонасининг
УСТАВИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. «Паркент-фарм» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси» давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда Дирекция деб аталади) оператив бошқарув ҳуқуқи билан унга берилган давлат мулки бўлган мулк базасида давлат унитар корхонаси шаклида ташкил этилган тижорат ташкилоти ҳисобланади, у ўзига бириктирилган мулкка нисбатан, қонунда белгиланган доирада, ўз фаолияти мақсадларига, мулкдор (ёки унинг топшириғи билан — у томонидан масъул этиб тайинланган давлат органи — муассис) топшириқларига ва мол-мулкнинг белгиланган мақсадига мувофиқ эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқини амалга оширади.

2. Дирекция ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига ва фармойишларига, ушбу Уставга ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилади.

3. Дирекция юридик шахс ҳисобланади, алоҳида мол-мулкка, мустақил балансга, банкларда ҳисоб рақамларига, шу жумладан валюта ҳисоб рақамларига, эмблемага, штамплар ва бланкаларга, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган, ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бошқа реквизитларга эга бўлади.

4. Дирекциянинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи — ««Parkent-farm» erkin iqtisodiy zona direktsiyasi» Davlat unitar korxonasi;

қисқартирилган номи — ««Parkent-farm» EIZ direktsiyasi» DUK;

б) рус тилида:

тўлиқ номи — Государственное унитарное предприятие «Дирекция свободной экономической зоны «Паркент-фарм»»;

қисқартирилган номи — ГУП «Дирекция СЭЗ «Паркент-фарм»»;

в) инглиз тилида:

тўлиқ номи — «Directorate of free economic zone «Parkent-farm»» State Unitary Company;

қисқартирилган номи — «Directorate of FEZ «Parkent-farm»» SUC.

5. Дирекциянинг жойлашган жойи (почта манзили): Тошкент вилояти, Паркент тумани, Паркент шаҳри, А.Навоий кўчаси, 5-уй.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Дирекциянинг муассиси (кейинги ўринларда Муассис деб аталади) ҳисобланади.

7. Дирекция ўз номидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни олиши ва амалга ошириши, мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши, низоларни ҳал этишда бошқа органларда вакиллик қилиши мумкин.

8. Дирекция Муассиснинг розилигига кўра тижорат ташкилотларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик шахсларнинг қатнашишига йўл қўйиладиган нотижорат ташкилотларда қатнашчи (акциядор, аъзо) бўлиши мумкин.

9. Дирекция бошқа давлат корхонасининг муассиси бўлиши мумкин эмас.

2-боб. Дирекция фаолиятининг мақсади ва асосий йўналишлари

10. «Паркент-фарм» эркин иқтисодий зонаси (кейинги ўринларда «Паркент-фарм» ЭИЗ деб аталади) фаолиятини, шу жумладан, «Паркент-фарм»-ЭИЗни ривожлантириш давлат дастурларининг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини, «Паркент-фарм» ЭИЗ ҳудудида алоҳида ҳуқуқий режимга риоя этилишини таъминлаш йўли билан тезкор бошқариш, шунингдек «Паркент-фарм» ЭИЗ ҳудудидаги хўжалик фаолияти қатнашчиларига (кейинги ўринларда «Паркент-фарм» ЭИЗ қатнашчилари» деб аталади) хизматлар кўрсатишдан ҳамда ушбу Уставда назарда тутилган бошқа ишларни бажаришдан (хизматлар кўрсатишдан) фойда олиш Дирекция фаолиятининг асосий мақсади ҳисобланади.

11. Қуйидагилар Дирекция фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади:

«Паркент-фарм» ЭИЗ қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг реестрини юритиш, уларга тегишли гувоҳномалар бериш;

«Паркент-фарм» ЭИЗ ҳудудида «Паркент-фарм» ЭИЗ қатнашчилари ҳисобланмайдиган бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобини юритиш;

белгиланган тартибда танланган инвесторлар билан эркин иқтисодий зоналари Маъмурий кенгаши (кейинги ўринларда Маъмурий кенгаш деб аталади) қарорларига мувофиқ «Паркент-фарм» ЭИЗ ҳудудида инвестиция киритиш тўғрисида битимлар, «Паркент-фарм» ЭИЗ қатнашчилари билан давлат мулки бўлган фаолият кўрсатмаётган ташкилотларни ва мол-мулкни нулга тенг харид қиймати бўйича сотиш тўғрисида шартномалар тузиш;

белгиланган тартибда танланган инвесторлар томонидан ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларнинг зарур даражада бажарилишини назорат қилиш, кейинчалик унинг натижаларини Маъмурий кенгашга тақдим этиш;

«Паркент-фарм» ЭИЗ ҳудудида фармацевтика маҳсулотлари, дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий ва маҳаллий инвесторларни қидириш ва жалб этиш;

ишлаб чиқилган «Паркент-фарм» ЭИЗ бош режаси ва Маъмурий кенгаш қарори билан маъқулланган инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш;

доривор ўсимликларнинг саноат плантациялари ташкил этилишида иштирок этиш, кейинчалик дори воситалари чуқур қайта ишланиши ва ишлаб чиқарилишини ташкил этиш;

«Паркент-фарм» ЭИЗ ҳудудида жойлашган давлат мулки бўлган кўчмас мулк объектларини Дирекцияга берилган ваколатлар доирасида бошқариш;

«Паркент-фарм» ЭИЗ қатнашчиларига инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш, ташкилотларни ишга тушириш ва уларнинг фаолияти учун зарур бўлган инфратузилма (электр энергияси, газ ва сув таъминоти, канализация, кириш йўллари ва бошқалар) билан таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда қўмаклашиш;

«Паркент-фарм» ЭИЗ қатнашчиларига, шу жумладан давлат органларида уларнинг манфаатларини ифодалаш йўли билан хизматлар кўрсатиш;

Маъмурий кенгаш ваколатларига кирувчи масалалар бўйича унинг мажлисларида кўриб чиқиш учун материаллар тайёрлаш;

«Паркент-фарм» ЭИЗ фаолиятини тезкор бошқариш бўйича бошқа функцияларни амалга ошириш.

Қонун ҳужжатларида ушбу Уставда назарда тутилган тегишли фаолият турининг лицензияланиши зарурлиги белгиланган тақдирда, Дирекция фаолиятнинг ушбу турини лицензия олмасдан, тегишли лицензияловчи орган билан тузилган лицензия битими асосида амалга оширишга ҳақлидир.

12. Дирекция қонун ҳужжатларида тақиқланмаган фаолиятнинг бошқа турларини амалга ошириши мумкин.

3-боб. Дирекция фаолиятини бошқариш

13. Дирекция Муассисга ва Маъмурий кенгашга ҳисобот беради.

14. Муассис қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Дирекция фаолиятининг мақсади ва йўналишларини белгилаш;

Дирекция Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

Дирекциянинг ортиқча, фойдаланилмаётган ёхуд белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган мулкни олиб қўйиш ва тасарруф этиш;

Дирекцияга берилган мулкдан фойдаланишдан олинган соф фойданинг бир қисмини ёки ҳаммасини олиш;

Дирекция мулки билан амалга оширилган битимларни ҳаққоний эмас деб эътироф этиш тўғрисида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш;

Дирекцияга етказилган зарарларни қоплаш тўғрисида даъво тақдим этиш;

Дирекцияни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансини тасдиқлаш; меҳнатга оид қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Дирекция раҳбари билан меҳнат шартномасини муддатидан олдин тўхтатиш.

Муассис қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

15. Маъмурий кенгаш Дирекция фаолиятига раҳбарликни ва назоратни, шунингдек «Паркент-фарм» ЭИЗнинг мустақил бюджети ҳамда «Паркент-фарм» ЭИЗни ривожлантириш жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланилиши юзасидан назоратни амалга оширади.

16. Маъмурий кенгаш ваколатига қўйидагилар киради:

«Паркент-фарм» ЭИЗни ривожлантириш бўйича Дирекциянинг стратегик вазифаларини ва фаолияти йўналишларини белгилаш ҳамда «Паркент-фарм» ЭИЗни ривожлантиришнинг тегишли ўрта муддатли ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқишни ташкил этиш;

«Паркент-фарм» ЭИЗнинг самарали фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган ташкилий-техник тадбирларни тасдиқлаш, шунингдек уларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқиш;

Дирекциянинг молия-хўжалик фаолиятини ҳар чоракда ўрганишни ташкил этиш;

ҳар чоракда Дирекция фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни эшитиш;

Муассис номидан Дирекция директорини ёллаш тўғрисида меҳнат шартномаси (контракт)ни тузиш ва бекор қилиш;

Дирекциянинг бошқарув аппарати тузилмасини маъқуллаш;

Дирекциянинг штатлар рўйхатини ва харажатлари сметасини тасдиқлаш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар.

17. Маъмурий кенгаш ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун Дирекция фаолиятига тааллуқли ҳужжатларни талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга. Олинган ҳужжатлардан Маъмурий кенгаш томонидан фақат хизмат мақсадларида фойдаланилади.

18. Дирекциянинг жорий фаолиятига раҳбарликни Маъмурий кенгаш томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган Директор амалга оширади.

19. Директор ижро этувчи орган ҳисобланади.

20. Директор:

қонун ҳужжатлари талабларини бажаришга, Дирекция ходимларининг меҳнат шароитларини муҳофаза қилиш ва яхшилашга, атроф муҳитни му-

хофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги норма ва қоидаларга риоя этилишини таъминлашга йўналтирилган тадбирларни ишлаб чиқади ва жорий этади;

«Паркент-фарм» ЭИЗни ривожлантириш дастурлари амалга оширилишини ташкил қилади;

Дирекциянинг асосий фаолиятини такомиллаштиришга, бошқаришнинг энг янги усулларини жорий этишга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш чора-тадбирларини кўради;

Дирекция номидан ишончномасиз иш кўради, барча ташкилотларда, шу жумладан хорижий ташкилотларда унинг манфаатларини ифодалайди;

ходимларни ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномалари (контрактлар) тузади ҳамда уларни ўзгартиради ва амал қилишини тўхтатади;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончномалар беради;

кадрларни тайёрлаш ва ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш чора-тадбирларини кўради;

Дирекциянинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

Дирекциянинг ички иш тартибини ва хўжалик фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлайди;

Дирекция томонидан қонун ҳужжатларига риоя қилинишини ташкил этиш ва назорат қилишни таъминлайди;

Дирекцияга юкланган мақсадлар ва вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа функцияларни амалга оширади.

21. Директор Муассис ва Маъмурий кенгаш олдида Дирекция фаолияти тўғрисида белгиланган тартибда ҳисобот беради.

22. Директор ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва вазифаларини бажаришда Дирекция манфаатларини кўзлаган ҳолда ҳаракат қилиши лозим ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар, иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи барча талабларнинг ва уларга тенглаштирилган тўловларнинг қондирилиши, бевосита ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ эҳтиёжларга маблағлар ўтказилмаганлиги, Дирекциянинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан, шу жумладан Дирекцияга берилган давлат мол-мулки йўқотилган тақдирда, етказилган зарар юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

23. Директор «Паркент-фарм» ЭИЗнинг Маъмурий кенгаш томонидан тасдиқланадиган мустақил бюджет маблағларининг тасарруф этувчиси ҳисобланади ҳамда «Паркент-фарм» ЭИЗнинг мустақил бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботни белгиланган тартибда тақдим этади.

24. Директор ўз зиммасига юкланган вазифаларнинг бажарилиши, шунингдек Дирекцияга берилган давлат мулкининг сақланиши ва ундан мақсадли фойдаланилиши юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

4-боб. Дирекциянинг устав фонди

25. Дирекциянинг устав фонди «Паркент-фарм» ЭИЗ фаолиятини оператив бошқаришни амалга ошириш учун Муассис томонидан ўзига берилган маблағлар, мол-мулк ва бошқа активлар йиғиндисидан иборат бўлади.

26. Дирекция устав фондининг миқдори 300 млн сўмни ташкил қилади.

5-боб. Дирекциянинг устав фонддини кўпайтириш ва камайтириш тартиби

27. Дирекциянинг устав фонддини кўпайтириш ёки камайтириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Муассис қарорига биноан амалга оширилади.

6-боб. Дирекция мулкини тасарруф этиш

28. Муассис томонидан Дирекцияга тезкор бошқарув ҳуқуқи билан биркирилган асосий фондлар ва айланма маблағлар Дирекция мол-мулкини ташкил қилади.

29. Дирекциянинг асосий фондлари ва айланма маблағлари бўлинмайди ва улушлар (хиссалар, пайлар) бўйича тақсимланиши мумкин эмас.

30. Маъмурий кенгаш Дирекцияга берилган давлат мулкидан белгиланган мақсадда фойдаланилишини ва унинг сақланишини, шунингдек ўзгага берилишини Муассис номидан назорат қилади.

31. Директор Муассис билан келишган ҳолда Дирекция мулкини қуйидаги ҳолатларда тасарруф этиши мумкин:

асосий воситаларни сотиш, уларни ижарага бериш ёки гаровга қўйиш; мол-мулкни бошқа хўжалик жамиятининг устав фондига улуш сифатида киритиш;

бошқа хўжалик жамиятларининг акциялари (улушлари)ни сотиб олиш (бошқа давлат корхоналари бундан мустасно);

давлат корхонаси фаолияти мақсадларига мувофиқ бўлмаган мол-мулкни бошқача тарзда тасарруф этиш.

7-боб. Даромадларни шакллантириш тартиби

32. Дирекция даромади:

хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар;

давлат мулки бўлган ва «Паркент-фарм» ЭИЗ ҳудудида жойлашган бинолар ва иншоотларни ижарага беришдан тушумларнинг бир қисми;

Маъмурий кенгаш томонидан белгиланган миқдорда ЭИЗ қатнашчилари ажратмалари;

Ўзбекистон Республикасининг тегишли йилга Инвестиция дастурида белгиланган мақсадли бюджет маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобига шакллантирилади.

8-боб. Захира фондини ва бошқа фондларни шакллантириш тартиби

33. Дирекция ўз тасарруфида қоладиган соф фойда ҳисобига захира фондини, шунингдек бошқа фондларни ташкил этиши мумкин, уларнинг миқдори ва шакллантирилиши тартиби Муассис томонидан тасдиқланади.

9-боб. Даромад (фойда)ни тақсимлаш ва зарарларни қоплаш тартиби

34. Акциядорлик жамиятлари фаолиятини самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси томонидан белгиланадиган Дирекциянинг соф фойдаси Дирекция тасарруфида қолади ва ундан Муассис қарорига кўра фойдаланилади.

35. Муассис ўз қарори билан ўзга юридик ва жисмоний шахсларга хайрия мақсадлари учун йўналтириладиган пул маблағларининг чекланган суммасини, уларни тасарруф этиш ҳуқуқини Директорга берган ҳолда белгилайди.

36. Дирекциянинг хўжалик фаолияти натижасида кўрилган зарарларини қоплаш ушбу мақсадлар учун ташкил этилган захира фонди маблағлари ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

10-боб. Ҳисоботларни тақдим этиш тартиби

37. Дирекция ҳисобот даври тугагач ваколатли органларга молия ҳисоботини ва рўйхати қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатларни тақдим этади ҳамда ҳужжатларнинг сақланиши ва уларнинг давлат томонидан сақлашга берилиши юзасидан белгиланган тартибда жавоб беради.

38. Дирекциянинг хўжалик субъекти сифатидаги фаолиятини назорат қилиш Маъмурий кенгаш томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

39. Директор ҳар чорақда Дирекция фаолияти натижалари ва тасдиқланган ривожлантириш дастурларининг амалга оширилиши тўғрисида Маъмурий кенгашга ҳисобот беради.

11-боб. Дирекциянинг жавобгарлиги

40. Дирекция ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мулк билан жавоб беради. Муассис Дирекциянинг мулки етарли бўлмаган тақдирда унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавоб беради.

41. Дирекция Муассиснинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

12-боб. Дирекцияни тугатиш ва қайта ташкил этиш

42. Дирекция Муассиснинг қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ёки суд қарорига биноан тугатилиши ёки қайта ташкил этилиши мумкин.

43. Дирекцияни тугатиш Дирекция фаолиятининг ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтмаган ҳолда тўхтатилишига сабаб бўлади.

Дирекция қайта ташкил этилган тақдирда, ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳуқуқий ворисга ўтади.